

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.5

БОБОҚУЛОВ ФАЁЗ ФАРҲОД ЎҒЛИ

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАҲИРАЛАРИНИ ҲИСОБГА
ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ”**

Мутахассислик: 5A230901-“Бухгалтерия ҳисоби”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н., доцент О.М.Кулжанов

ТОШКЕНТ-2014

Диссертация Тошкент молия институти «Бухгалтерия ҳисоби»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н., доцент О.Кулжанов

Расмий оппонент

и.ф.н., доцент _____

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент Б.Болибеков

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. Иқтисодий ва модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг назарий асослари	10
1.1. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш заҳираларининг тугган ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни туркумлаш тартиби	10
1.2. Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш тартиби	19
1.3. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг вазифалари ..	27
II боб. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг юритилиши	35
2.1. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва уларнинг омбордаги ҳисобини юритиш	35
2.2. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатининг ҳисоби	41
III боб. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг ривожлантириш йўналишлари	52
3.1. Ишлаб чиқариш заҳираларининг халқаро бухгалтерия стандартлари асосида баҳоланиши ва ҳисобга олинишини такомиллаштириш	52
3.2. Товар-моддий заҳиралар ҳисобини юритиш усуллари ва уларни такомиллаштириш	59
Хулоса ва таклифлар	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил Республикамизда янги иқтисодий тизим – иқтисодиётни модернизация қилишнинг юқори босқичига келмоқда. Бу тизим шароитида турли мулк шакллариининг вужудга келиши, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ўтиш жараёнига хос хусусиятдир.

Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қоидалар асосида бошқариладиган иқтисодиётдир.

Ўзбекистон Республикаси МДХ таркибидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос моделда бозор иқтисодиётига ўтиб бормоқда.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов: «Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.»¹, деб таъкидлайди.

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвесторларнинг кириб келиши, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши бухгалтерия ҳисобини миллий ва халқаро стандартлар асосида ташкил этишни, бозор иқтисодиётига мос ҳисоб сиёсатини танлашни тақозо этади. Шунинг учун турли мулкчилик шароитида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари

¹ Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: «Ўзбекистон», 2014 й. <http://gov.uz/uz/press/politics/22149> .

эркин рақобат асосида самарали фаолият кўрсатиши ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Бундай вазифа хўжалик субъектларида мавжуд моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Турли мулкчилик шароитида хўжалик субъектларида ишлатилаётган ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати, уларни баҳолаш тартиби ҳамда ўзгарувчанлик даражасини ўрганиш магистрлик диссертация мавзусининг асосий мазмунини ташкил этади. Магистрлик диссертацияни тайёрлаш жараёнида турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш захираларининг ҳаракати, уларни баҳолаш усуллари, захиралар бўйича йиғма ҳужжатлар таркиби ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича умумий ҳулоса қилиб, таклифлар киритиш долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу диссертацияни ёзиш жараёнида ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни ташкил қилиш ва юритиш, уларни такомиллаштириш масалалари бўйича йирик иқтисодчи олимлар Друри К. Нидлз Б. Р.Энтони, Аксененко А.Ф. Вахрушина М.А. Врублевский Н.Д. Карпова Т.П. В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет Кондраков Н.П.² шунингдек республикамиз соҳа олимлари А.А.Ваҳобов, Ибрагимов А.К. А.А.Каримов, Ўразов К.Б. Холбеков Р.О. Б.О.Болибеков, Д.Э.Норбеков, О.М.Кулжанов, К.М.Мисиров, У.А.Нурмонов ва бошқалар³нинг ишларидан кенг фойдаланилди.

² Друри К. Управленческий и производственный учет. М.: ЮНИТИ. 2002. 312 с.; Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета. Пер. с англ./Под ред. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1993. 496 с.; Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуация и примеры. Пер. с англ./Под ред. И с предисл. А.М.Петрачкова. – М.: Финансы и статистика, 1993. 560 с.; Аксененко А.Ф. Себестоимость в системе управления отраслью: Учет и анализ. М.: Экономика, 1984, 168 с.; Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. М.: ИКФ Омега-Л. 528 с.; Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика. М.: Финансы и статистика. 2002. 352 с.; Карпова Т.П. Управленческий учет. М.: ЮНИТИ. 2002. 486 с.; Палий В.Ф. Основы калькулирования. М.: Финансы и статистика. 1987, 388 с.; Шеремет А.Д., Кондраков Н.П. Управленческий учет. М.: ИД ФБК-Пресс. 2000. 512 с.;

³ Ваҳобов А.А. ва б. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент: Шарқ, 2005. 480-б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудит ва қишлоқ хўжалик

Бу олимлар томонидан ишлаб чиқариш заҳираларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни назарий ва илмий асослари атрофлича ўрганилган. Диссертация иши иқтисодиётда бўлаётган ислохотларни чуқур ўрганган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш заҳираларидан самарали фойдаланиш ва улар ҳисобини ташкил этиш ҳамда баҳоланишини халқаро ва миллий бухгалтерия стандартлари уйғунлигида ташкил этишга бағишланган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишни иқтисодиётни модернизациялаш шароити талабларига мос услубий ҳамда ташкилий тамойилларини яратишдан иборатдир. Ушбу мақсадга мувофиқ илмий ишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш заҳираларининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни туркумлаш тартибини ўрганиш;
- ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг вазифалари қайта кўриб чиққан ҳолда ўрганиш;
- ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини хужжатлаштириш ва уларнинг омбордаги ҳисобини юритиш юзасидан аниқ механизмларни яратиш;
- ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатининг ҳисобига оид манбаларни ўрганиш;

маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Тошкент: Банк-молия академияси, 2002; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Тошкент: Банк-молия академияси, 2009.; Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003.-168 б.; Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойилларива услубияти. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент: Банк-молия академияси, 2006.

- ишлаб чиқариш заҳираларининг халқаро бухгалтерия стандартлари асосида баҳоланиши ва ҳисобга олинишини такомиллаштиришни тадқиқ қилиш;

- товар-моддий заҳиралар ҳисобини юритиш усуллари ва уларни такомиллаштиришни тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг предмети. Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишни ташкил қилишнинг услубий асослари, бошланғич ҳисоб ҳужжатларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш усуллари мукамаллаштириш, бухгалтерия ҳисобини халқаро бухгалтерия стандартларига мослаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Илмий ишда «TETRASOFT SERVIS» МЧЖнинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, ундаги ҳисобнинг мавжуд услубияти ва ташкил этилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика қўмитаси маълумотлари, махсус адабиётлар ҳамда статистик манбалардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳисобланади. Илмий ишнинг назарий асосларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари, мақолаларидан, Молия Вазирлигининг Низом ва йўриқномалари, шунингдек республикамиз ва хорижлик олимлар томонидан бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит бўйича чоп этилган адабиётлардан, интернет маълумотларидан ва илмий мақолалардан кенг фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг методологик асоси бўлиб, илмий билимнинг диалектик услуби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ҳамда бошқа асарларида баён қилинган ғоялари ва таклифлари тадқиқотнинг муҳим методологик асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий иш мавзуси бўйича назарий ва амалий тажрибаларни ўрганган ҳолда тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги натижаларга эришилди:

«TETRASOFT SERVIS» МЧЖнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитлари талабларига мос ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг услубияти яратилди;

- Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш заҳираларининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни туркумлаш тартиби ўрганилди;

- ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

- ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишнинг вазифалари қайта кўриб чиқилган ҳолда ўрганилди;

- ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва уларнинг омбордаги ҳисобини юритиш юзасидан аниқ механизмлар яратилди;

- ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатининг ҳисобига оид манбалар ўрганилди;

- ишлаб чиқариш заҳираларининг халқаро бухгалтерия стандартлари асосида баҳоланиши ва ҳисобга олинишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- товар-моддий заҳиралар ҳисобини юритиш усуллари ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқоти натижасида олинган яқуний хулосалар, умумлаштиришлар, муаллифлар томонидан илгари сурилган ғоялар ҳўжалик субъектлари фаолиятига доир меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, вазирликлар ва идораларнинг норматив актларини қайта кўриб чиқиш ва тузатишда, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар амалий фаолиятида қўлланиши ҳамда тадқиқотнинг материаллари коллеж ва илмий марказларда, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти курсларини ўргатишда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларни синовдан ўтказиш. Диссертация Тошкент Молия Институтининг, Магистратура бўлими, «Бухгалтерия ҳисоби» кафедрасида бажарилган. Диссертациядаги асосий ғоялар 2014 йил _____ да «_____»га бағишланган Тошкент Молия институтининг ва _____ институтининг республика миқёсидаги илмий-амалий семинаридаги маърузада баён қилинган. 2013 йил 17 декабрда «Рақобатбардош иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб масалалари»га бағишланган Республика илмий-амалий конференциясида «Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари ҳаракатини бухгалтерияда ҳисобга олишни ташкил этиш» мавзусида маъруза қилинган. Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги ғоя ва фикрлар ҳамда уларнинг ечимларидан кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ривожлантиришда ва ишлаб чиқариш захиралари ҳисобини юритишда ва уларни баҳолаш усулларини қўллашда самарали фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши унинг мақсади ва вазифалари билан белгиланади. Илмий иш; кириш, 3 боб, 6 бўлимни ўз ичига олган, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг назарий асослари

1.1. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш захираларининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни туркумлаш тартиби

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг фаолият юритиши кишиларни иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаш, жойларда ташаббусни рағбатлантириш, аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини оммалаштириш, миллий, маданий бойликларни бутун дунёга намоён этиш имкониятлари пайдо бўлади.

Бу ишларни амалга ошириш учун эса энг аввало иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастурнинг ишлаб чиқилганлиги асос бўлади. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов: «Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа - бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта курулантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир⁴» деб таъкидлаган. Бу республика иқтисодиётида фаолият юритаётган барча соҳа ва корхоналарининг фойда кўриш мақсадида, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда махсулот ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишини талаб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда. Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора тадбирлар, уларни рўйхатга олиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, энг муҳими, тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда

⁴И.А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2013 йил ярми яқунларига бағишлаб ўтказилган «Иқтисодиётни эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013й. 10 ноябр

жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора тadbирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармоннинг бажариш юзасидан ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав жамғармаларида давлатнинг улушини энг кўп даражада қисқартириш, объектларнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, шунингдек хорижий инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги 2003 йил 19 апрелдаги қарори бунинг тасдиғи ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам: кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айна шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз

фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда⁵ деб таъкидладилар. Шундай экан, корхоналарнинг бозор муносабатлари талабларига мос фаолият юритишида айланма маблағлар ва улар таркибидаги ишлаб чиқариш заҳираларига бўлган эҳтиёж янада ошяпти.

Корхонанинг ишлаб чиқариш заҳиралари - бу корхонанинг айланма маблағлари таркибидаги ва маҳсулот таннархига ёки корхонанинг бошқа харажатларига бир давр мобайнида ўзининг қийматини тўлиқ ўтказиш хусусиятига эга бўлган ликвидлилигига кўра секин пулга айланадиган маблағлардир. Корхонанинг жорий активлари ликвидлилиги қуйидаги тартибда гуруҳланган:

-Доимий ликвид активлар, буларга барча пул маблағлари ва қисқа муддатли қимматли қоғозлар киради.

-Тез сотилувчи активлар, буларга дебиторлик қарзларини киритишимиз мумкин.

-Секин сотилувчи активлар, буларга товар моддий заҳиралар ва харажатлар киради.


Ишлаб чиқариш заҳираларини нима учун секин сотилувчи активларга киритилишини қуйидаги чизма орқали ифодаласак мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш заҳиралари корхонанинг айланма маблағларида фаолият соҳасига қараб, 30 фоиздан 90 фоизгача бўлади. Корхонанинг молиявий ва иқтисодий аҳволи кўп жиҳатдан ана шу ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида ишлаб чиқариш заҳираларининг ўрни жуда каттадир. Ишлаб чиқариш заҳиралари асосий воситалардан фарқ қилиб, бир ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2014 й. 18 январ. №41

қийматини тўла равишда маҳсулот таннархига ўтказади. Шундай экан айланма маблағлар ҳаракатчанлиги бевосита ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланишга боғлиқ. Айланма маблағларнинг корхона учун умумий миқдори юқори ташкилотлар, яъни тегишли вазирлик томонидан белгиланади.



1-чизма. Ишлаб чиқариш захираларининг пулга айланувчанлиги⁶

1-чизмадан кўриниб турибдики ишлаб чиқариш захиралари сотилиши ва пулга айланиши учун бир қанча босқичларни босиб ўтиши керак ҳамда у маълум бир даврни талаб қилади. Агар ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлик коэффициентига эътибор берадиган бўлсак уларнинг қанча муддатда ва қанчалик тез айланувчанлигини кўраемиз. Корхонада ишлаб чиқариш захиралари сотиш учун эмас балки фаолият юритиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришга берилади. Демак улар –чизмада кўрсатиб ўтилгандек ишлаб чиқариш жараёни босқичи, ундан тайёр маҳсулот бўлиб омборга ўтказилади, кейин

⁶ Муаллиф ишланмаси

реализация қилиниб корхона ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Ана шу давр ишлаб чиқариш захираларининг айланиш даври деб аталади.

Материалларнинг ҳар бир тури бўйича меъёрий миқдори корхона томонидан мустақил равишда белгиланади. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган меъёрга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритишнинг янги тизими шароитида ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, маҳсулот таннархида моддий харажатлар улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, товар-моддий захираларлар таркибидаги ишлаб чиқариш захираларини тўғри, тежамли сарфлаш халқ хўжалигини янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш захираларининг маҳсулот таннархидаги салмоғи борган сари ошиб бормоқда. Агар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бораётган кўламини кўз олдимизга келтирсак, ишлаб чиқариш захираларини тежаб-тергаб сарфлаш халқ хўжалигига катта самара келтиришини тушуниб етиш қийин эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона асосий мақсадига эришиши учун айланма маблағларни жумладан ишлаб чиқариш захираларини тежаб фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Чунки шунинг натижасида улар ўз рақобатдошлилигини оширишга ва фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада ўз фойдалилик даражасини оширишга эришадилар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш захираларининг аҳамияти ва роли жуда каттадир. Уларсиз айрим ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти чекланса, айрим ҳолларда уларсиз умуман маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Масалан, ишлаб чиқариш захиралари ҳисобланган материаллар, хом-ашёлар, ёқилғи, электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам чекланади.

Улардан йил давомида тўлиқ ҳамда тежаб фойдаланиш энг муҳим мақсад ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи пасаяди. Бунинг натижасида корхоналарнинг соф фойдаси ошади. Шунинг билан биргаликда меҳнат буюмларидан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпаяди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, таннархнинг пасайиши, фойдалиликнинг ошишиши, корхонанинг моддий ресурслар билан белгиланган ассортимент ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқ.

Шунинг учун саноат корхоналари ўз ишлаб чиқаришни бир меъёрга самарали ривожланишни таъминлаш мақсадида узок муддатга мўлжалланган бизнес режага асосланган ҳолда ишлаб чиқариш захиралари билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Чунки ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш захираларини йўқлиги ёки ўз вақтида олиб келинмаганлиги сабабли корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолмоқда.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш захиралари билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминлаши, шу билан биргаликда улардан рационал фойдаланиш пировардида уларнинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади.

Корхонанинг ривожланиши, тараққий этиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши оқибат натижасида мустақил республикаимиз иқтисодиётини барқарорлашишига замин яратади. Халқимиз турмуш даражасини янада юксалишига ҳар томонлама ўз таъсирини кўрсатади.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши ўз навбатида ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланиш кўламининг ҳам кенгайишига олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш заҳираларини иқтисод қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишни соддалаштириш ва уларнинг ҳар биридан самарали фойдаланиш ҳамда улар устидан назорат ўрнатиш бир мунча осонлашишини ҳисобга оладиган бўлсак ишлаб чиқариш заҳираларини туркумлаш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш заҳираларини бир қанча белгиларига кўра туркумларга ажратиш мумкин. Иқтисодий мазмунига кўра ишлаб чиқариш заҳираларини туркумланишини қуйидаги 2-чизмада кўришимиз мумкин.



2-чизма. Ишлаб чиқариш заҳираларининг туркумланиши.⁷

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бу ерда инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига киритилиши учун қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

хизмат муддати бир йилдан ошмаган;

хизмат муддатидан қатъий назар бир бирлик учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ишлаб чиқариш захиралари ҳақининг эллик бараваригача миқдорда қийматга эга бўлган буюмлар киради. Корхона раҳбарияти ҳисобот йилида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли.

Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланишга Республикамиз ҳукумати томонидан ҳам доимо эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари, фармонлари ва қарорлари бунинг исботи бўла олади.

Ишлаб чиқариш жараёнида турли материал қийматликларидан фойдаланилади. Биринчи хил материаллар ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинади, масалан хом-ашё ёки материаллар, иккинчи хили ўз шаклини ўзгартиради, масалан мойлаш материаллари, бўёқ, учинчи хили буюмга ҳеч қандай ташқи ўзгаришларсиз киритилади, масалан эҳтиёт қисмлар ва хоказо.

Халқаро амалиётда, яъни «Заҳиралар» номли 2-сон бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида инвентарь ва хўжалик анжомлари, товар-моддий захираларга тегишли бўлган ва сотиш учун мўлжалланмаган, ўзининг таркибига заҳира қисмлари ва деталларини олган ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш воситаларига ва ремонтига хизмат қилади деб кўрсатиб ўтилган. Бу стандартнинг мақсади бундай товар-моддий захираларни, яъни сотиш учун мўлжалланмаган, улар қиймати ва хизмат муддатидан келиб чиқиб ё товар моддий-захиралар таркибида ё узоқ муддатли активлар таркибида ҳисобга олишдир. Агар инвентарь ва

хўжалик буюмлари баҳоси муҳим бўлмасдан, хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган бўлса бундай буюмлар товар-моддий заҳиралар таркибида ҳисобга олинади ва уларнинг қиймати харажатларга фойдаланишга берилган пайтда ҳисобдан чиқарилади. Агар инвентарь ва хўжалик буюмлари баҳоси муҳим ҳисобланиб, хизмат муддати бир йилдан ошадиган бўлса бундай буюмлар узоқ муддатли активлар каби таснифланиши керак, шунингдек улар асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади ва хизмат қилиш муддатига кўра уларга эскириш ҳисобланади. Буларга мисол қилиб эса асосий воситалар қисмларининг заҳиларини киритишимиз мумкин.

А.С. Сотиволдиевнинг фикрига кўра саноат корхоналарида, бундан ташқари, ишлаб чиқариш заҳиралари техник хусусиятларига қараб кўйидагиларга бўлиниши мумкин:

- қора металллар;
- прокатлар;
- трубалар;
- рангли металллар ва бошқалар.⁸

Муаллифнинг ишлаб чиқариш заҳираларини саноат корхоналарида бундай туркумлашидан мақсад ишлаб чиқариш заҳиралари таркибининг ҳолати қай аҳволдалигига тўғри баҳо бериш ва ишлаб чиқариш жараёни учун қайси бир заҳирадан қанча миқдорда керак бўлиши тўғрисидаги маълумотлар олинади. Бундан ташқари заҳиралар техник хусусиятига қараб омборларда махсус шароитларда ва жойларда сақланиши белгиланади. Муаллифлар фикридан келиб чиқиб ҳар бир корхона ўзининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш заҳираларини мустақил равишда туркумлашлари керак ва бу туркумланиш натижасида корхонада заҳираларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш осон бўлсин.

⁸ А.С. Сотиволдиев «Замонавий бухгалтерия ҳисоби» I том, Т.:2010, 110 б.

Умуман олганда ишлаб чиқариш захираларини туркумлашдан мақсад улардан самарали фойдаланиш ва улар устидан иқтисодий назорат ўрнатишдан иборат ҳисобланади. Ишлаб чиқариш захираларининг 1000-счёт таркибида йиғилиши ва уларнинг туркумланиши натижасида бир қатор 1010-“Хом-ашё ва материаллар”, 1020-“Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар”, 1030-“Ёқилғи”, 1040-“Эҳтиёт қисмлар” ва шу каби бошқа бир қатор мустақил, лекин таркибий счётлар 21-БХМС “Бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режаси”га мувофиқ иқтисодий мазмуни ва вазифасига кўра туркумланган.

1.2. Ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш тартиби

Корхона ёки муассасалар, уюшма, концерн, ҳиссадорлик жамиятлари ихтиёрида маълум миқдордаги маблағларнинг бўлиши уларнинг ўз фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир.

Корхона маблағлари турли ва жойланишига кўра ишлаб чиқариш доирасидаги, саноатга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжалик маблағларига бўлинади. Ишлаб чиқариш доирасидаги маблағлар бажарадиган вазифасига қараб меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларига бўлинади.

Меҳнат буюмларига маҳсулот тайёрлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш захиралари киради. Уларга хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар киради. Уларнинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, бир ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади, яъни ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига бутунлай ўтказилади.

Хом ашё деб, ҳали саноат ишловидан ўтмаган, жумладан, пахта заводлари учун тозалашга келтирилган пахта толаси, металлургия заводи учун руда, кокс комбинати учун ишловга келтирилган тошкўмир ва шунга ўхшаш маҳсулотларга айтилади.

Асосий материаллар деб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига буюм сифатида кирадиган ва шу маҳсулотнинг асосини ташкил қиладиган меҳнат буюмларига айтилади. Асосий материалларга саноат ишловини бир марта бўлса ҳам ўтган меҳнат буюмлари киради. Масалан, машинасозлик саноатида асосий материалларга металл, прокат, пойабзал фабрикаларига чарм ва чарм ўрнида ишлатиладиган бошқа материаллар киради.

Ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига кириб, улар сифат ўзгаришлари ҳосил қилади, яъни маҳсулотга ранг беради, мазасини ўзгартиради, лекин уни асосини ташкил қилмайди. Улар ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат воситаларини парвариш қилиш (мойлаш, артиш ва бошқалар) учун ишлатилади.

Ярим тайёр маҳсулотларга шундай меҳнат буюмлари кирадики, улар баъзи бир қайта ишлаш босқичларни ўтаган бўлсада, ҳали тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмаган бўлади. Уларнинг хусусиятларидан бири, қайта ишлашнинг технологик жараён режасида кўрсатиладиган ҳамма операциялари бирон бир цех ёки ишлаб чиқариш участкасида бўлиб, кейинги цех ёки участкага қайта ишлаш учун беришга мўлжалланган бўлади. Ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олинishi ёки корхонани ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Шунинг учун сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлардан ажратилган ҳолда ҳисобга олинади.

Ёқилғи ишлаб чиқаришдаги ролига кўра ёрдамчи материалларга ўхшаб кетади. Лекин халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ишлаб чиқариш харажатларидаги ҳисоби, бухгалтериядаги ҳисоби алоҳида гуруҳда юритилади. Корхоналарда ёқилғи технологик мақсадларда, яъни металл эритиш, электр энергияси ишлаб чиқариши ҳамда хўжалик эҳтиёжлари, жумладан, биноларни иситиш учун ишлатилиши мумкин.

Алоҳида гуруҳда ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳисобга олинади. Чунки улар айрим саноат тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларининг сезиларли салмоғини ташкил этади. Шунинг учун бундай чиқиндиларни тўғри ҳисоблаш ва улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чиқиндилар корхонанинг ўзида асосий ёки ёрдамчи материаллар сифатида ишлатилиши мумкин, айрим пайтларда эса бошқа корхоналарга сотилади.

Шунингдек, идиш ва идиш материаллари ҳам материаллар гуруҳига киритилган бўлиб, улар сотилаётган маҳсулотларни ўраш, жойлаштириш учун хизмат қилиб, маҳсулот билан биргаликда сотилади.

Юқорида санаб ўтилган маблағлар ишлаб чиқариш заҳираларини ташкил қилиб, корхонанинг товар-моддий заҳираларни бир қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини бухгалтерия ҳисобида тўғри ва аниқ баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш Ўзбекистон республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасига ва «товар-моддий заҳиралар» номли 4-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига, халқаро амалиётда эса «Заҳиралар» номли 2-сонли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартига асосланган бўлиши лозим. қонуннинг ўн иккинчи «Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш» моддасида оборот активларини баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича-баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича ёки бозор баҳоси бўйича амалга оширилади деб ўтилган. Ушбу қонунга асосланиб эса стандартлар ишлаб чиқилган ҳамда миллий ва халқаро стандартларга ҳам мувофиқ материаллар энг кам баҳода, яъни таннархи бўйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши лозим. Чунки бухгалтерия ҳисобининг эҳтиёткорлик тамойилини акс эттиришнинг бири бўлиб паст баҳолаш қоидаси ҳисобланади: таннарх бўйича ёки сотишнинг соф қиймати.

Товар-моддий заҳираларнинг қийматини, агар товар-моддий заҳиралар шикастланган бўлса, агар улар тўла ёки қисман эскирган бўлса

ёки уларни сотиш нархи арзонлашган бўлса, тиклаш мумкин. Товар-моддий захираларнинг қийматини, агар бутлаш учун баҳоланган мўлжалдаги харажатлар ёки сотиш бўйича мўлжалланган харажатлар ошиб кетган бўлса, тиклаш мумкин эмас. Товар-моддий захираларни таннархдан паст даражада, сотиш соф қийматигача арзонлаштириш захиралар ҳаддан зиёд тўпланиб қолган ва улар суст айланаётган тақдирдагина, барча активлар молиявий ҳисоботда уларни сотиш ёки улардан фойдаланишдан қутилаётган суммадан юқори даражада акс эттирилмаслиги учун, амалга оширилади.

Товар-моддий захиралар одатда "моддама-модда усул" асосида сотиш соф қийматигача арзонлаштирилади. Бунда бир турдаги ёки ўзаро боғлиқ: маҳсулотнинг бир ассортиментига тааллуқли; бир мақсад учун мўлжалланган ёки якуний қўлланилиши бир бўлган; бир жўгрофий ҳудудда ишлаб чиқариладиган ёки бозорга чиқариладиган; амалда маҳсулотнинг ушбу ассортиментдаги бошқа материаллардан ажратилган ҳолда баҳоланиши мумкин бўлмаган товар-моддий захиралар гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин. Муайян тармоқда ёки битта жўгрофий ҳудудда тайёр маҳсулотга ёки товар-моддий захираларга нисбатан уларни таснифлашга асосланиб, товар-моддий захираларни арзонлаштириш мумкин эмас.

Материаллар ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа хом ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (кундалик) нархида сотилса, қийматидан паст нархда арзонлаштирилмайди. Бироқ, агар омборда мавжуд бўлган нархдаги материалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи сотиш соф қийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф қийматигача арзонлаштирилади. Бундай вазиятларда материаллар қийматини қоплаш уларнинг соф сотиш қийматини ўлчашнинг мавжуд шаклларида энг яхшиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир кейинги даврда соф сотиш қийматини янгитдан баҳолаш мумкин.

Соф сотиш қиймати бўйича заҳираларни баҳолаш (ҳақиқий қийматидан паст) қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1. Заҳираларни сотиш нархи арзонлашганда;
2. Заҳираларга зарар етганда;
3. Заҳиралар тўла ва қисман эскирганда.

Сотиб олинган ишлаб чиқариш заҳиралари қуйидаги элементлардан ташкил топади:

-мол етказиб берувчининг счётига кўра унга тўланиши керак бўлган сумма;

-чет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган транспорт харажатлари;

-товар биржалари кўрсатган хизматлар қиймати;

-тегишли солиқлар ва тарифлар;

-заҳираларни сотиб олиш, қабул қилиш ва омборга жойлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Бошқа харажатлар, агар улар товар-моддий заҳираларни манзилига етказиш пайтида ёки уларни тегишли ҳолатга келтириш вақтида пайдо бўлган тақдирдагина товар-моддий заҳираларнинг таннархига киради. Масалан, ноишлаб чиқариш кўшимча харажатлари ёки муайян мижозлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларини товар-моддий заҳиралар бўйича харажатларга киритиш имконияти вужудга келиши мумкин.

Товар-моддий заҳираларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар давр харажатлари деб эътироф этилади:

1. Сотиш харажатлари;
2. Бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлар);
3. Бошқа операцион харажатлари ва зарарлар.

Материалларнинг ҳар бирини тайёрлаш, ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик

ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисоб-ўртача сотиб олиниш баҳоси, режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида аналитик счётларда ҳисобга олинади. Амалиётда компьютерларнинг кенг қўлланиши материал захиралари ҳар бир турининг ҳақиқий таннарҳини ҳисоблаш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун қабул қилинадиган материалларни ана шу жараёнга қайси баҳода чиқариш лозимлиги ҳамиша ҳисоб ишларининг долзарб масаласи бўлиб келган. Чунки айнан бир хил материал турли даврларда турли баҳоларда кирим қилинади. Уларни ишлаб чиқаришга беришдаги баҳолар турлича бўлиши мумкинлиги туфайли, битта баҳони қўллаш ва уни ҳисобот даврида ўзгаришсиз қолишини таъминлаш лозим.


Ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган материалларнинг ҳақиқий таннарҳини аниқлаш, уларни баҳолашнинг кўйидаги усулларини қўллаш билан амалга ошириш мумкин:

- Ҳар бирини идентификациялаш усули
- Ўртача таннарх бўйича ёки АVECO усули;
- Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули;
- Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, охириги тушум-охириги харажат, LIFO усули.

Юқоридаги усуллардан ҳар бирини идентификациялаш усулини биз ишлаб чиқариш захиралари бирлиги ҳисобот даврининг охирида қайси харид қилиш операцияси эвазига келиб тушганлиги аниқ белгиланган бўлган ҳолларда қўллаймиз. Бундан ташқари бу усул ишлаб чиқариш захиралари турли ва харид қилиш операциялари кам бўлган тақдирда қўлланилади. Бу усул кўпроқ ишлаб чиқариш захиралари ноёб ва нарҳи ўта қиммат бўлган ҳамда ҳар бир ишлаб чиқариш захиралари бирлигини алоҳида ҳисобга олиш имкони бўлса қўллаш мақсадга мувофиқ. Демак ўз

Ўзидан кўриниб турибдики бу усулни қўллаш кўпроқ вақт ва меҳнатни талаб қилади лекин ҳисоб китоблар аниқ бўлади.

Ишлаб чиқариш захираларини харажатларга ҳисобдан чиқаришда уларни баҳолашнинг усулларини ва қайси бирлари Ўзбекистон шароитида қўлланилиши ҳамда қайси бирлари халқаро амалиётда қўлланилишини қуйидаги чизмада кўриб ўтишимиз мумкин.



3-чизма. Ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усуллари⁹

Халқаро амалиётда ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий таннархи 2-БХХСга ва материалларни ҳисобга олишнинг асосий тамойиллари таркибидаги иккинчи тамойилга асосан аниқланади. Биз

⁹ Муаллиф томонидан бажарилган.

«TETRASOFT SERVIS» МЧЖ материалларни сотиб олиш ва уларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз.

Корхона 15. 04. 06й. да қуйидагича материалларни сотиб олган:


материалларни харид қилиш баҳоси 80000 сўм;

материалларни сотиб олишда уларни расмийлаштириш харажатлари 5000 сўм;

транспорт харажатлари 10000 сўм.

ҚҚС суммаси 16000 сўм.

Материаллар таннархи (80000+5000+10000) 95000 сўм.



4-чизма. Ишлаб чиқариш захиралари таннархининг шаклланиш тартиби¹⁰

Юқорида кўриб ўтилган материаллар ҳақиқий таннархининг шаклланишини қуйидаги чизмада бухгалтерия проводкалари ёрдамида кўриб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Материалларни баҳолашнинг биринчи усулида, ҳисобот оyi давомида сарфланган материал ишлаб чиқариш харажатлари счётларига

¹⁰ Муаллиф томонидан бажарилган.

одатдагидек, жорий баҳо бўйича ёзилади, ҳисобот охирида ҳақиқий таннарх билан жорий баҳо ўртасидаги фарқнинг тегишли улуши ёзилади.

ФИФО ва ЛИФО усуллари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усуллари сифатида ишлаб чиқилган.

ФИФО усулида биринчи тушум-биринчи харажат дегани шуни билдирадики, ишлаб чиқаришга қайси материаллар партиясини берилишидан қатъий назар, ишлаб чиқаришга биринчи сотиб олинган материаллар партиясини баҳосини бўйича баҳоланади, сўнгра иккинчи партиясини баҳосини бўйича баҳолашади.

ЛИФО усулида бошқа қоида қўлланилади. Бунда охириги тушум-биринчи харажат, яъни материаллар ишлаб чиқаришга аввал охириги партиясини таннархини бўйича ёзилади, сўнгра аввалгини баҳолашади.

ЛИФО усули фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тузиш учун кўпроқ талабга жавоб беради, чунки у товарлар реализациясидан олинган даромаднинг уларнинг таннархини билан солиштириш имконини яхшироқ тарзда беради. Аммо амалдаги баҳонинг ошиши ёки пасайиши шароитида ишлаб чиқариш захираларини қийматини жорий балансда баҳолаш учун бу усулдан фойдаланиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас ва унинг Ўзбекистонда қўлланишига рухсат берилмаган.

Баланс тузишда ФИФО усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ишлаб чиқариш захираларини қиймати ҳисобот даврида охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона активини аниқ акс эттиради.

1.3. Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишнинг вазифалари

Ишлаб чиқариш захираларини (хом ашё, материаллар, ёкилғи ва бошқалар) ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат воситаларини ва ишчи кучини билан бирга корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди. Ҳозирги иқтисодий шароитда, яъни эҳтиёжлар чексизлигини ва доимо ўсиб боришини, ҳамда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигини

шароитида корхоналар ишлаб чиқариш заҳираларидан самарали фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг оптимал миқдорини топа олишлари керак. Корхоналар, нафақат кишилиқ жамиятининг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришлари керак, балки ишлаб чиқариш заҳираларини тежашлари лозим.

Корхоналарда бозор муносабатлари шароитида хомашёлар, материаллар, ёқилғилар ва электр-энергиялар харажатлари салмоғини камайтиришга ўхшаган сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришлари керак. Бунга эса илғор конструкцион материаллардан, металл упалари (порошоклари) ва пластмассалардан, қиммат турадиган материаллар ўрнига маҳсулот сифатига у қадар таъсир кўрсатмайдиган, ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтирадиган ўринбосар материаллардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлади.

Буларга эришишни осонлаштириш учун табиат ресурсларидан комплекс фойдаланиш зарур бўлади. Турли хил йўқотишлар ва нораціонал сарфларга барҳам бериш керак. Корхоналар оборотига иккиламчи ресурсларни, шунингдек йўл-йўлақай маҳсулотларни кенг жалб қилиш керак. Ҳар бир корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган нормативларга риоя этиш мақсадга мувофиқдир.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотлари материаллардан рационал фойдаланиш, харажат нормаларини камайтириш, материалларин оқилона сақлаш ва улар бутлигини таъминлаш йўли билан маҳсулот таннархини камайтиришга ундаши керак. Юқорида кўриб ўтганимиздек ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалда улар ишлаб чиқариш заҳиралари ёки материаллар деб аталади.

Бу борада ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисобининг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат:

-ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисоб тамойилларига мувофиқ баҳоланиши ва ҳисобга олинишини ташкил этиш;

-ишлаб чиқариш заҳираларини жойларда сақлаш ва улардан барча босқичларда фойдаланиш устидан назорат қилиш;

-ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракати бўйича барча муомалаларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш;

-ишлаб чиқариш заҳираларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни аниқлаш ва акс эттириш;

-сақлаш жойлари ва баланс моддалари бўйича сарфланган материаллар ва уларнинг қолдиқларини ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

-белгиланган заҳира нормаларига риоя қилиш устидан назорат қилиш, ортиқча фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш заҳираларини аниқлаш, уларни сотиш;

-материал юборувчилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб бориш, йўлдаги ва фактурланмаган материаллар устидан назорат қилиш;

Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисобининг вазифаларини ўз вақтида бажариш ва бунинг натижасида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун шароит яратиш зарур, чунки айнан ишлаб чиқариш заҳиралари тўғрисидаги аниқ маълумотлар уларнинг меъёрий ҳажм даражасида ушлаб туришга имкон беради ва бу ўз навбатида сақлаш харажатлари, яроқсизликдан зарарларни камайтиради. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисоби вазифаларини бажариш учун товар моддий заҳираларни ҳисобга олишнинг асосий тамойилларини билиш лозим.

И.А. Завалишинанинг фикрига кўра товар моддий заҳираларни ҳисобга олишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари бухгалтерия ҳисобига ўзининг ҳақиқатдаги таннархи бўйича қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг таннархи харид қилиш ва уларни олиб келиш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Харид қилиш чоғида қиймати чет эл валютасида белгиланган материалларни бухгалтерияга қабул қилиш санасига бўлган Ўз.Рси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда амалга оширилади.

Материалларни ишлаб чиқаришга беришда уларнинг баҳоланиши FIFO ёки AVESCO усулларининг биридан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш счётларида иккита баҳолашдан энг пастси - ҳақиқатдаги таннархи ишлаб чиқариш таннархи ёки бозор баҳоси соф сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Йил давомида нархи туширилган ёки маънавий эскирган ёки ўзининг бошланғич сифатини қисман йўқотган қимматликлар балансида ҳисобот йилининг охирида сотилиши мумкин бўлган баҳо бўйича, агар у сотиб олишнинг бошланғич қийматидан паст бўлса, нархлардаги фарқни корхонанинг молиявий натижаларига киритиш билан акс эттирилади.¹¹

Ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш технологияси муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз вақтида сотиб олишнинг муҳимлиги шундаки, агар корхонада ишлаб чиқариш захиралари тамом бўлиб қолса, унда ишлаб чиқаришлар ҳам тўхтаб қолиши мумкин. Бунинг натижасида эса маҳсулот ишлаб чиқарилмайди ва шартномалар бажарилмайди. Оқибатда корхона катта миқдорда молиявий зарар кўриши мумкин. Аксинча, ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари кўп сотиб олиниши уларни сақлаш бўйича катта ҳаражатларга олиб келиши мумкин. Бунинг учун эса корхонада доимий ишловчи омбор хўжалиги фаолият юритиши керак. Омбор хўжалигида маълум гуруҳга тегишли бўлган ишлаб чиқариш захиралар ўзининг гуруҳига тегишли ишлаб чиқариш захиралари омборларида сақланади. Ишлаб чиқариш захиралари омбор ичида секциялар бўйича, кейин тип, размерлари бўйича тахланиб, токча ва полкаларда шундай сақланиши керакки, уларни қабул қилиб олиш, жўнатиш ва текшириш тез ва осон бўлсин. Шу мақсадда

¹¹ И.А. Завалишина «Янгича бухгалтерия ҳисоби», «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», Т.: 2003, 264б.

материалларни сақлаш жойларига ёрликлар ёпиштирилиб қўйилади. Булардан ташқари омборлар тўғри торозиўлчовлар ва ўлчов идишлари билан таъминланган бўлиши керак.

Материал қийматликларини қабул қилиш ва жўнатиш, бу муомалаларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек материал қийматликларини бутлигини таъминлайдиган лавозимли ва масъулиятли шахслар (омбор мудир, омборчи, экспедитор ва бошқалар) рўйхатини белгилаши керак. Бу шахслар билан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади. Омбордан ишлаб чиқариш захираларини олиш ва жўнатиш ҳужжатларига имзо қўядиган, шунингдек ишлаб чиқариш захираларини корхонадан олиб чиқишга рухсат берадиган лавозимли шахслар рўйхатини корхонада барча билиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби олдидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қуйидагиларга қатъий амал қилиш керак:

-наrx-номенклатурага эга бўлиш;

-аниқ ҳужжатлаштириш ва ҳужжат айланиш тизимини белгилаб олиш;

-белгиланган тартибда ишлаб чиқариш захиралари қолдиқларини инвентаризация қилиш ва танлаб назорат қилишни уюштириш, уларнинг натижаларини бухгалтерияда ўз вақтида акс эттириш;


-ҳисобни автоматлаштиришнинг ҳозирги замон воситаларини кенг қўллаш.

-ишлаб чиқариш захиралари бутлигини амалий назорат қилишни таъминлашда корхонада маркетинг(таъминот)ни ташкил этиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги ошган сари материалларни халқ хўжалигидаги роли ошиб боришига мос ҳолда, уларни тежаб-тергаб сарфлаш устидан назорат қилишнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва меъёрида амалга ошириш учун ишлаб чиқариш захираларининг зарур турлари билан ўз вақтида керакли миқдорда таъминлаб туриш керак. Шунинг учун корхона

моддий техника режасининг бажарилиши устидан назорат қилиб бориш ва ходимларни моддий-техника таъминотида рўй бераётган камчиликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб туриш материаллар ҳисобининг энг асосий вазифалардан биридир.

Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти каттадир. Корхонада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларини тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни топиш мумкин. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлилининг ўтказилиш кетма-кетлигини ҳар бир корхона ўзининг таҳлил ўтказиш мақсадидан келиб чиқиб белгилаши керак. Биз қуйида «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлили кетма-кетлиги чизмасини таклиф сифатида келтириб ўтамиз.



5-чизма. Ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлилининг ўтказилиш кетма-кетлиги.¹²

Демак 5–чизмадан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш заҳираларини таҳлили асосан корхонанинг улар билан қанчалик таъминланганлиги, уларни сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўғри бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларига ҳамда маҳсулот таннархида материаллар миқдорини улар сифатига таъсир этмаган ҳолда камайтиришга эътибор берилади.

Шу маънода ишлаб чиқариш заҳиралари таҳлили олдида ҳам ўта муҳим вазифалар қўйилади:

-корхона, бирлашмаларнинг зарурий материал ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

-моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини, комплекслигини, сифатлилигини, навлилигини ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;

-моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;

-моддий-техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;

-ишлаб чиқариш заҳиралари айланувчанлигини ўрганиш;

-ишлаб чиқариш заҳираларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмига унинг таннархида таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;

-муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

-хом-ашё, ёқилғи ва материаллардан фойдаланилмаган ички имкониятларини аниқлаш ва бошқалар.

Ҳар бир саноат корхонаси ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш заҳираларни ташкил қилади ва уни режали равишда тўлдириб

¹²

боради. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши билан ишлаб чиқариш захираларнинг сақланишини рационал ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишни тўла таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу вазифаларнинг ҳал этилишида ҳар бир хўжаликда зарур назорат ишларини омилкорлик билан ташкил қилиш орқали эришиш мумкин.

II боб. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олишни юритилиши

2.1. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва уларнинг омбордаги ҳисобини юритиш

Материаллар ҳаракатини ҳисоби материалларни ҳисоби бўйича асосий низом талабларига жавоб берадиган ва ахборотларни автоматлаштиришга мослашган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши талаб этилади. Ёзиладиган ҳужжатларнинг нусхалар сони минимал бўлиб, ЭҲМдан фойдаланилса бир нусха, ҳисоб қўлда юритилса икки нусхадан ошмаслиги керак. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш уларнинг ҳисобини тўғри юритишни таъминлайди. Корхоналарга материалларнинг ўз вақтида келтирилишини таъминот бўлими назорат қилиб боради. Таъминот бўлими ходимлари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириб, уларга материаллар камомати ва сифати бўйича эътирозлар ва даъволар қўйиш, корхонага ўз вақтида етиб келмаган юкларни топиш вазифаларини бажарадилар.

Мол етказиб берувчиларнинг шартнома шартларига риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш ишлаб чиқаришни тўхтовсиз, ўз вақтида давом этишини таъминлайди.

Мол етказиб берувчилардан олинган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари, энг аввало, корхона бухгалтериясига топширилади, улар текширилади, сўнгра ўз вақтида рўйхатга олинади. Шундан сўнг бу ҳужжатлар корхонанинг таъминот бўлимига топширилади. Ҳар бир счёт бўйича унинг тўланиши ёки тўланмаслиги аниқланади. Агар шартнома шартларига мол етказиб берувчилар тўла амал қилган бўлса, счётни тўлашга розилик берилади. Тўланиши лозим бўлган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари материални қабул қилиш учун омборга берилади. Материаллар корхонага келтирилгунга қадар ҳамма ҳужжатлар махсус

папкада сақланади. Ўз вақтида юборилмаган материаллар тўғрисида омбор мудирлари корхонанинг таъминот бўлимига тегишли чора кўрилиши учун хабар беради. Одатда, мол етказиб берувчи корхоналардан материалларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотларидан материалларни қабул қилганда таъминотчи идиш, пломба, тамға ҳамда материаллар сифатини текширади. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар сифати бузилганлиги аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига даъво қўйиш ҳуқуқини берадиган далолатнома тузилади.

Корхона ўзаро тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан келган материаллар учун ҳисоб-китоб, юклаш ва бошқа йўлланма ҳужжатлар (тўлов талабномаси, счёт-фактура, товар-транспорт юкхатлари) олади.

Корхонага келган ҳужжатлар оператив ходим томонидан келган материалларни қайд қилиш учун очилган М-1 шаклидаги махсус дафтарда рўйхатга олинади ҳамда шартномада кўзда тутилган талабларга мос келиши назоратдан ўтказилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти омборидан материалларни олиш учун бухгалтер экспедиторга М-2, М-2а шаклидаги ишончнома ёзиб беради.

Моддий бойликларни олишга бериладиган ишончнома - корхона мол етказиб берувчиларидан товар-моддий бойликларни олиш учун ўз вақилига берадиган ҳужжатиدير.

Корхона ишончноманинг икки – М-2 ва М-2а шаклидан фойдаланади. М-2 шаклидан фойдаланганида бериш-олишлар ҳақидаги маълумотлар ишончнома варақасининг қўшимча қисмига (корешогига) ёзилади, бу ҳолда берилган ишончномани махсус дафтарга ёзиб қўйишга ҳожат қолмайди.

Корхона моддий бойликларни оммавий тарзда ишончнома билан оладиган ҳолларда М-2а шаклидаги ишончномадан фойдаланади. Берилган ишончнома эса махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Ишончнома корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан муҳрланган ҳолда берилади, сўнгра у М-2б шаклидаги махсус дафтарга қайд қилинади. Экспедитор эса ишончномани олишда дафтарга имзо чекади.

Ишончномани олган ходим материаллар олингандан кейинги биринчи кундан қолдирмасдан унга юклатилган вазифани бажарганлиги ҳамда олинган материалларни омборга топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни бухгалтерияга топшириши шарт. Ишлатилмаган ишончномалар белгиланган муддати ўтиб кетгандан кейинги кунда бухгалтерияга топширилади. Муддати ўтиб кетган ишончномалар бўйича ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар бериш ман қилинади.

Материалларни омборга омбор мудирини ёки омборчини қабул қилади. Келтирилган материаллар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофиқ бўлса, омборчини М-4 шаклидаги кириш ордери тузади. Кириш операциялари сони кам бўлганида, мол етказиб берувчининг ҳужжатида муҳр қўйишга руҳсат этилади. Ҳақиқатда кириш қилинган материаллар ва юборилган ҳужжатлар орасида тафовут аниқланса, материалларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Бу далолатнома мол етказиб берувчини ёки бошқа манфаатдор бўлмаган корхона вакиллари иштирокида тузилади. Далолатнома тузилганида кириш ордери расмийлаштирилмайди.

Омбордан цехларга сарфлаш учун бериладиган материалларга лимит-забор карталари, талабнома ҳамда юкхатлар расмийлаштирилади. Материалларнинг бир маротаба, кам такрорланадиган харажат қилиниши талабномалар билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат истеъмолчи цех, бўлим ва участкалар томонидан расмийлаштирилади.

Омбордан цехларга материаллар мунтазам бериб борилса, у ҳолда лимит-забор карталари қўлланилади. Лимит-забор картаси корхонанинг

ишлаб чиқариш ёки режа бўлими томонидан ёзилади. Унда шу цех ёки участкага берилиши лозим бўлган материал маълум турининг ойлик чекланган меъёри кўрсатилади. Чекланган меъёр цех ёки участканинг ишлаб чиқариш режаси ва шу цех ёки участкада материалларни сарфлаш меъёри асосида аниқланади. Лимит картаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчиси эса цехга берилади. Материаллар берилгандан сўнг лимит картасининг цех нусхасига имзо қўяди, цех ходими омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

Омборчи ҳар бир операциядан кейин фойдаланилмаган лимит қолдиғини ҳисоблаб чиқади. Лимит етмаган тақдирда лимитдан ташқари материаллар харажати талабнома билан расмийлаштирилади.

Материалларнинг сарфланиши бўйича лимитнинг шу тариқа белгиланиши меъёрдан ортиқча сарфлар ҳақида корхона раҳбарларига ўз вақтида хабар қилиш имконини беради. Лимит карталарининг қўлланилиши ҳужжатлар сонини камайтиради ва уларни қайта ишлашни енгиллаштиради.

Материалларнинг ички кўчишида, яъни бир омбордан иккинчи омборга, бир цехдан иккинчи цехга берилганида ҳамда чиқиндилар омборга қабул қилинганида қабул қилиш юкхатлари билан расмийлаштирилади.

Омбор ходимларига материалларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар, оғзаки фармойишлар асосида бериш тақиқланади.

Корхона омборида материалларнинг бут сақланишини ташкил этиш уларни тўғри ҳисобга олиб борилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам омбор хўжалиги ишларини ташкил қилишга муайян талаблар қўйилади.

Корхона омборида материалларни ҳисобга олишнинг тўғри ташкил қилиниши материалларни ҳисобга олиш усулига, ҳисоб рўйхати (регистри)нинг турига, миқдорига, фойдаланилган кўрсаткичларга ва уларнинг ўзаро солиштирилишига боғлиқ. Корхона омбори ихтисослаштирилган бўлиши керак, чунки хилма-хил материалларнинг

кимёвий ҳамда физик хоссалари уларни турли хил шароитларда сақлашни талаб қилади. Омборхона тегишли материаллар жойлаштириладиган стеллажлар, токчалар, шкаф ва яшиқлар билан жиҳозланиши лозим. Материалларнинг ҳар бирига уларнинг номи, номенклатура рақами, нави, ўлчами, ўлчов бирлиги кўрсатилган ёрлик ёзилиб, сақлаш жойига ёпиштириб қўйилади.

Тез ёнишга мойил бўлган материаллар махсус омборларда сақланиши лозим. Бу омборлар ёнғинга қарши қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Очиқ ҳавода сақланиши лозим бўлган материаллар омборхона ҳовлисида махсус ажратилган, ёнғингарчиликдан сақланадиган бостирмага жойлаштирилади. Ҳамма омборхоналар тош-тарози, ўлчов идишлари ва бошқа шунга ўхшаш зарур мосламалар билан таъминланган бўлиши шарт. Омбор мудирининг моддий маъсул шахс ҳисобланиб, омборхонада сақланаётган ҳамма материаллар ҳаракати фақат у орқали амалга оширилади. Омборчинини ишга олиш, бошқа лавозимларга ўтказиш ва хизмат вазифасидан озод қилиш бош бухгалтер билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Омбор мудиринини ишга қабул қилишда унинг тўла равишда шахсий моддий жавобгарлиги ҳақида шартнома тузилади. Уни ишдан бўшатиш сақланаётган молларнинг тўлиқ инвентаризацияси ўтказилиб, жавобгарлиги остидаги моддий бойликлар бошқа шахсга ўтгандан кейингина амалга оширилади. Омборда материалларнинг қолдиқлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мақсадида уларни алоҳида турлари, навлари, размери ва номенклатура рақамлари бўйича ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда материаллар бўйича аналитик ҳисобни тўғри юритиш муҳим. Шу сабабли улар ҳозирги пайтда уч хил усул бўйича юритилади:

- Материаллар ҳаракатини ҳисобга олувчи дафтарда;
- Материаллар ҳаракатини юритувчи карточкаларда;

-Оператив-бухгалтерлик (қолдиқ) усули.

Материалларни тўғри ҳисобга олишда уларнинг фактура баҳосини аниқлаш муҳимдир. Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича материалларни жорий ҳисобда ҳисобга олишда уларнинг ҳақиқий қийматини билиш жуда муҳим. Халқаро савдо амалиётидаги фактура баҳосини аниқлашда моддий қийматликлар баҳоси ва қопланадиган транспорт тарифлари, юкларнинг суғурта тўловлари, экспорт солиқлари ва божхона йиғимларининг маълум тартибда қопланиши ва уни томонлар қопланишини белгилаш зарур.

Омборларда материалларнинг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби юритилади. Бунинг учун материалларнинг ҳар бир турига ёки номенклатура рақамига М-17 сонли типик шаклдаги варақлар очилади. Улар материал ҳаракати билан боғлиқ кирим ва чиқим операциялари бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар асосида тўлдирилади ва ҳар бир кирим ҳамда чиқим операциялари ёзилгандан кейин материал қолдиғи аниқланади. Материалларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи меъёрдаги қолдиқ билан солиштирилади ва ўртадаги фарқдан таъминот бўлими ходимлари хабардор қилинади.

Кирим ва чиқим операциялари бўйича кундалик расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда корхона бухгалтериясига топширилади.

Материалларнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия ёки бошқа усуллар ёрдамида ҳисобга олинади. Ушбу усулларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда материалларнинг омбордаги ҳисоби сон шаклида, бухгалтерияда эса пул шаклида юритилади. Бухгалтерияда юритиладиган ҳисоб материалларнинг ҳаракати бўйича омборда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларга асосланади. Омборларда расмийлаштирилаётган бошланғич ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини бухгалтерия ходимлари белгиланган муддатларда текшириб боради ва ёзувлар тўғрилиги омбор варақаларининг «назорат»

бўлимида имзо билан тасдиқланади. Ҳисобот ойининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладиган синтетик ҳисоб маълумотлари билан таққосланади. Бунинг учун эса ҳар бир омбор бўйича қолдиқ ведомости юритилади. Ведомостда омбор варақалари асосида материал қолдиғи ёзилади ва у пул кўрсаткичига айлантирилади. Қолдиқ ведомостидаги материал қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда материаллар ҳаракати бўйича юритиладиган 10-ведомост маълумотлари билан солиштирилади. Сонларнинг тўғри келиши ҳисобот ойи давомида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради.

2.2. Ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатининг ҳисоби

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини зарур бўлган миқдордаги материаллар билан узлуксиз равишда таъминлаб туриши учун моддий қийматликларнинг захираларини доимо тўлдириб туришлари лозим бўлади. Бу жараённи мунтазам ташкил қилиш учун келиб тушаётган материалларни тўғри расмийлаштириш талаб қилинади. Корхоналарга материалларнинг келиб тушиши махсус низомга кўра ҳисобга олинади. Бу низомда бухгалтерия ҳисоби материалларнинг сақланаётган жойларда бутлигини назорат қилиш, материаллар ҳаракатига тегишли бўлган муомалалар тўғри ўз вақтида хужжатлаштирилиши, уларни тайёрлаш билан боғлиқ сарфларни аниқлаш ва акс эттириши, шунингдек, материаллар харажатлари тўғрисидаги барча кўрсаткичларни ўз вақтида таъмин қилиб туриш таъкидланади. Шундай экан ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш ёки уларни ишлаб чиқаришга бериш, бошқа корхоналарга сотиб юбориш материаллар ҳаракатини ифодалайди.

Корхона бухгалтериясида ишлаб чиқариш захиралари ҳаракати ҳисоби фақат сўм бирлик ўлчовида олиб борилади. Бунинг учун 10-«Материаллар қийматликларнинг ҳаракати» ведомостидан фойдаланилади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш захиралари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома асосида олиб келинган материаллар

ҳисобига тўлдирилиб турилади. Ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш билан боғлиқ шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

-ишлаб чиқариш захираларининг номи;

-уларнинг миқдори ва нархи;

-жўнатиш муддати ва усули;

-ҳисоблашиш шартлари ва тартиби.

-шартнома шартлари ўз вақтида бажарилмаганда қўлланиладиган жазолар ва бошқалар.

Мол юборувчи корхона жўнатилган ишлаб чиқариш захиралари учун тўлов талабнома-топшириқ ва счёт-фактура ёзиб мол олувчига беради ёки почта орқали жўнатади, мол олувчи уларни бир нусхасини ўзининг ҳисоб китобини очган банкка топширади.

Корхонага келиб тушган материалларни шартномада кўрсатилган материаллар қийматликлар миқдори билан солиштирилиб кўрилади, уларни ҳисобга олиш журналида рўйхатга олинади ва уни тўлашга розилик бериш мақсадида акцептлайди.

Келиб тушган материалларни рўйхатга олиш журналида акс эттирилгандан кейин ҳужжатлар ички рўйхатга олиш номерига эга бўлади ва пулини тўлаш учун бухгалтерияга берилади.

Корхона бухгалтериясида шу пайтдан бошлаб мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар вужудга келади. Материалларни омборга тушишига қараб кирим ордери ёзилади ва реестр билан бирга бухгалтерияга топширилади. Бу ҳужжатни банкда тўланишига қараб мол юборувчининг счётига пул ўтказилганлиги тўғрисида бухгалтерия ҳисоб-китоб счётидан кўчирма олади.

Корхона бухгалтериясида моддий бойликларнинг кирим-чиқимлари хусусидаги барча бирламчи ҳужжатлар: манзил белгилари, имзолар, суммалар ва амалга оширилган тадбирларнинг қонунга тўғри келиш-келмаслиги текширилади.

Кирим ордерларидаги ёзувлар тегишли тўлов ҳужжатлари, счёт-фактуралар, юкхатлар ва бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. Нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Бухгалтерияда текширишдан ўтказилган ҳужжатлар таксировка қилинади, яъни материал миқдори унинг нархига кўпайтирилиб, ҳужжат бўйича умумий сумма аниқланади. Кейин барча кирим-чиқим ҳужжатлари омборлар, жамлама счётлар бўйича гуруҳларга ажратилади, бу гуруҳлар эса ҳисоб нархи бўйича кичик гуруҳларга бўлинади. Бу ҳужжатларнинг яқунлари М-43 шаклидаги материалларнинг жамлама ҳисоби жамғарув қайдномасига ёзиб қўйилади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётида ҳисобга олинади. Бу счёт пассив бўлиб, кредит қолдиғи тўланмаган счётлар ва фактурланмаган материаллар бўйича корхонанинг мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан бўлган қарзини кўрсатади, дебет обороти-ҳисобот ойида тўланган, ҳисобдан чиқарилган ва зачёт қилинган суммани кўрсатади, кредит обороти - ҳисобот ойида акцептланган тўлов ҳужжатлари бўйича тўлашга қабул қилинган ва фактурланмаган материаллар суммаларини кўрсатади.

Мол юборувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 6-журнал ордерда юритилади. Бу журнал-ордер комбинациялашган регистр бўлиб, унда аналитик ҳисоб ҳар тўлов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш акти бўйича юритилади. Бу журнал-ордернинг биринчи сатрида мол етказиб берувчилар билан ой бошига тугатилмаган қуйидаги ҳисоблашишлар суммаси кўрсатилади:

- тўлаш муддати келмаган акцептланган тўлов ҳужжатлари;
- акцептланган ва тўланган тўлов ҳужжатлари;
- акцептланиб тўланмаган тўлов ҳужжатлари;

-фактурланмаган юклар бўйича 6010- счётнинг кредити бўйича ой бошига сальдо.

Ой давомида корхона бухгалтерияси маркетинг бўлими томонидан акцептланган тўлов хужжатлари қабул қилинади, омборларнинг кирим ордерлари, қабул актлари қабул қилинади ва корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан кўчирмалар олинади. Бу бухгалтерия ҳисоби регистрларида ёзувларни тугатиш, яъни регистрларни ёпиш имкониятини беради.

Мол етказиб берувчилар счётлари ва омбор кирим ордерлари асосида омборга материалларнинг қабул қилинишига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 1010-«Хом-ашё ва материаллар»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Қабул қилиш вақтида материалларнинг камомоди ёки етишмаслиги аниқланса, у ҳолда материалнинг сотиб олиниш баҳосига қуйидагича проводка берилади:

Дебет 4860-«Даъволар бўйича олинадиган счётлар»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Агарда корхонага келтирилган материаллар мол етказиб берувчилар хужжатларида кўрсатилганидан ортиқ бўлса, у ҳолда кўп чиққан материал қийматига тегишли материал счётлари дебетланиб, 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти кредитланади.

Сотиб олинган материаллар бўйича мол етказиб берувчилар счётининг тўланишига қуйидагича проводка берилади:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».

Корхонанинг ўзида тайёрланган ва омборга қабул қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 1010-«Хом-ашё ва материаллар»

Кредит 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

Материалларни таннархини аниқлашда уларнинг таннархига транспорт-тайёрлов харажатлари ва қўшилган қиймат солиғи киритилади. Бу эса уларни алоҳида ҳисобга олинишини талаб қилади.

Материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олинганида кўп ҳолларда уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ операциялар 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счегида ҳисобга олинади. Ушбу счегининг дебетида 6010, 2310, 2010, 6990 ва бошқа счеглارнинг кредитлари бўйича материалларнинг сотиб олиш қиймати шаклланади. Шунингдек бу ерда материаллар билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам ифодаланади.

Бу счегининг кредит томонида 1010-1090-счегларнинг дебети бўйича ҳақиқатда келиб тушган ва кирим қилинган материалларнинг ҳисоб қиймати акс эттирилади.

Ҳисоб нархларида қабул қилинган материаллар ва уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш қийматлари орасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» счегига ўтказилади ва ҳар ойнинг охирида 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» ҳисоб варағининг дебетида йиғилган сумма ишлаб чиқаришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган материалларнинг қийматига мутаносиб тақсимланиб, харажатлар счегига кўчирилади.

1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисоб варағи дебетидаги қолдиқ, корхонага ҳали келиб тушмаган йўлдаги материаллар қийматини ифодалайди.

Материалларнинг ҳақиқий таннархи таркибига транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам кирази. Буларга материалларнинг шартнома қийматидан

ташқари уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар киради. Бу харажатлар материалларнинг турлари бўйича тегишли счетларда мавжуд материалларнинг умумий ҳажми бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқаради.

Бу нарса ҳисобот оyi давомида сарфланган материалларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатларини аниқлаб ҳисобдан чиқариш учун зарур.

Сарфланган материаллар қайси счетларга ўтказилган бўлса, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ҳам шу счетларга ёзилади. Ҳақиқий таннархнинг режадан ошиш улушини топиш ва ҳисобга олиш ҳам шу тартибда бажарилади. Бу ерда фарқ шундаки, оғишиш (тежалган ёки ортиқча харажат) бўлиши мумкин. Ортиқча харажат транспорт-тайёрлов харажатларига ўхшаб, режа таннархини кўпайтиради, тежалган сумма эса уни камайтиради. Тежалган сумма минус ёки қизил сторно билан ёзилади.

Қуйидаги 1-жадвалда «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб топиш тартиби келтирилган:

1-жадвал

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш тартиби

Кўрсаткичлар	Материалларни баҳолаш	
	Шартнома баҳода	Ҳақиқий таннархда
Ой бошига қолдиқ	25000	25000
Ой давомидаги кирим	65000	70000
Жами тушум (1+2)	90000	95000
Транспорт-тайёрлов харажатлари: суммада:	5000	95000-90000
фоизда:	5,5	(5000*100)/90000
Ҳисобот оyiда сарфланди	50000	52750
Ой охирига ўқолдиқ	40000	42250

Хом-ашё ва материаллар қабул қилган корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан биргаликда тўлайди. Мол етказиб берувчи корхона олинган тушумдан ҚҚСни бюджетга тўлайди. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигига биноан ҚҚС 20 фоизлик ставкада ундирилади.

Бунда: ҚҚС – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

СТБ - солиққа тортиладиган оборот;

СС — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

2) Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ҚҚС} = T_k * \text{СС} / (\text{СС} + 100); \quad (2)$$

бунда: T_k — қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Буни 06.05.05 да «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ томонидан мол етказиб берувчилардан 60000 сўмлик материал сотиб олганлиги мисолида кўриб чиқамиз. ҚҚС суммаси қуйидагича бўлади:

1-ҳолат бўйича:

$$\text{ҚҚС суммаси} = (60000 * 20\%) / 100\% = 12000 \text{ сўм.}$$

Агар ҚҚС материаллар таркибида ўтирган бўлса уни қийматини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз

2-ҳолат бўйича:

$$\text{ҚҚС суммаси} = (60000 * 20\%) / (100\% + 20\%) = 10000 \text{ сўм.}$$

Ишлаб чиқариш захираларини харид қилиш бўйича тўланадиган ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб бориш учун 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» счегидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Материаллар ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланиши жараёнида ҳисобланган ҚҚС суммаси 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» сче­тидан 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» сче­тига сарфланган материаллар қиймати­га мутаносиб равишда ўтказилади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ мол етказиб берувчидан 60000 сўмлик материал қабул қилиб олди. ҚҚС-12000 сўм. Жами – 72000 сўм. Ушбу муомалага ва юқорида ҳисоблаганимиз транспорт-тайёрлов харажатларини қуйидагича бухгалтерия проводкаси орқали расмийлаштирамиз. Бунда бизга харид қилиш баҳосининг ҳисоб-китоби учун жамлама транзит сче­ти бўлмиш 1510-«Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» сче­тидан фойдалансак қулай бўлади:

сотиб олинган материал қиймати­га- 60000 сўм:

Дебет 1010-«Хом-ашё ва материаллар» - 60000 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счё­тлар» - 60000 сўм.

ҳисобланган ҚҚС суммасига-12000 сўм:

Дебет 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» - 12000 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счё­тлар» - 12000 сўм.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг акс эттирилиши:

Дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» - 3300 сўм

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счё­тлар» -3300 сўм

Мол етказиб берувчига пул ўтказиб берилганида:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счё­тлар» - 75300 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счё­ти» - 75300 сўм.

Ҳисобот оyi давомида корхонада 25000 сўмлик материал ишлаб чиқаришга сарфланди. Демак, ҚҚС 5000 сўмга тенг.

Бу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 5000 сўм

Кредит 4410-«Солиқ бўйича бўнақ тўловлар» - 5000 сўм.

Материалларнинг сарфланишини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг муҳим хусусиятлари мавжуд. Корхонада материаллар қуйидаги мақсадлар туфайли омбордан чиқиб кетиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга сарфланганида;

- ортиқча материаллар сотилганида ва бошқа ҳолларда.

Омбордан ишлаб чиқаришга материаллар сарфланганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет Ишлаб чиқариш харажатлари (2010, 2310, 2510 ва ҳоказо)

Кредит 1010-«Хом-ашё ва материаллар».

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклидаги корхоналарда ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси, шартнома ёки режа таннари бўйича 10-журнал-ордер, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1-журнал-ордерга ёзилади.

Моддий бойликлардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор-йўқлигини текшириб кўриши лозим. Агарда корхонада кераксиз ёки ортиқча материал борлиги аниқланса, уни бошқа корхонага сотиши мумкин.

Ишлаб чиқариш заҳиралари бошқа корхоналарга сотилса ҳисобда қуйидагича проводка орқали расмийлаштирилади:

материалнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилди.

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши»

Кредит 1010-«Хом-ашё ва материаллар».

материалнинг сотиш қиймати акс эттирилди:

Дебет 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми»

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши»

Сотилган ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича ҚҚС ҳисобланса куйидагича проводка берилади:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

Демак ортиқча материаллар сотилганда юқорида келтириб ўтилган бухгалтерия проводкалари асосида расмийлаштирилади ва 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» счёти бўйича якуний натижа 9900-«Якуний молиявий натижалар» счётига ўтказилади. Агар 9220-счёт дебетида қолдиқ бўлса материаллар сотилишидан ёки бошқача чиқиб кетишидан зарар, аксинча кредитидаги қолдиқ кўрилган даромадни акс эттириб корхона солиқ базасига бевосита таъсир кўрсатади.

Материалларни сотиб олиш ва келтириш билан боғлиқ харажатларни меъёрий даражасини сақлаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда сақлаш билан боғлиқ харажатларни минималлаштириш мақсадида хорижий давлатларда таъминот-тайёрлов фаолияти жараёнини бошқаришда бир қатор самарали тизимлар қўлланилади. Жумладан Япония ва АҚШда қўлланиладиган тизимлар булар MRP ва JITлардир.

MRPнинг моҳияти шундаки, у тайёрлов-таъминот ва ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш тизими бўлиб, унинг мақсади, биринчидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва вақтини аниқлашга қаратилади. Иккинчидан маҳсулот етиштириш учун керак бўлган материалларнинг ҳажмини белгилашга йўналтирилади.

Таъминот-тайёрлов фаолиятининг бошқарув ҳисобини MRP тизими орқали ташкил этишда бухгалтерлар бир қанча муҳим вазифаларни бажарадилар. Шулардан энг муҳими, MRP тизимини самарали ташкил этиш ва юритиш учун материал турлари ҳамда маҳсулотлар бўйича деталлаштирилган маълумотларни тайёрлаш ва янгилаб туриш ҳисобланади. Ушбу ахборот базасини бошқарув ҳисоби тизимидаги бухгалтерлар ишлаб чиқаришдаги мутахассислар билан биргаликда

тайёрлашлари керак. Шунда омборда материалларнинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмайдиган қисми кескин камаяди. Бунинг натижасида айланма маблағларнинг айланишдан бўшашлигига эришилади ва натижада уларнинг таркибида кераксиз материалларнинг миқдори минимал даражага туширилади. Бу эса таъминот-тайёрлов фаолияти билан боғлиқ харажатларни камайтиришга замин яратади.

ЛТнинг моҳияти шундаки, ушбу тизимда материалларни бошқариш шундай тартибда бўладики, унда маълум турдаги маҳсулотларни етиштириш учун зарур бўлган материаллар аниқ вақтда, хажмда ва белгиланган сифатда ишлаб чиқаришга тўғридан тўғри сарфланади. Уни қўллаш натижасида материаллар омборини сақлаш, фойдаланиш харажатлари бартараф этилади. Бу эса, ўз навбатида, айланма маблағларнинг айланишининг тезлашишига олиб келади.

III боб. Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни ривожлантириш йўналишлари

3.1. Ишлаб чиқариш захираларининг халқаро бухгалтерия стандартлари асосида баҳоланиши ва ҳисобга олинишини такомиллаштириш

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришини, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштирилган тизими, корxonанинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакиллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларига, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда, аввало, халқаро стандартларга мурожаат этилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Халқаро бухгалтерия стандартлари бўйича қўмита (ХБСБК) томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўққиз мамлакат, яъни Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган. Айни вақтга келиб мазкур ташкилот 30 дан ортиқ стандарт ишлаб чиқди ва эълон қилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб мумомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро стандартларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг

қўлланилиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро стандартларга таянмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия ҳисобининг базавий қоидалар ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усулларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборатдир.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС) ўз ривожини топди.

Мавжуд халқаро амалиёт бухгалтерия ҳисобини меъёрлар ёрдамида бошқаришнинг 4 даражали тизимини кўзда тутди.

Биринчи даража - қонун ҳужатлари, масалан, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун.

Иккинчи даража - асосий қоидалар мажмуи. Яъни бухгалтерия стандартлари. Мазкур даражада бухгалтерия тушунчалари ва қоидалари шундай белгиланадики, токи улар бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ шахслар томонидан бир хилда талқин этилсин.

Учинчи даража - турли идоралар томонидан турли тармоқлар ва умуман мамлакат бўйича ишлаб чиқиладиган, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хилма-хил услубий кўрсатмалар, тавсиялар.

Тўртинчи даража - ҳисоб сиёсатини белгилаш ва ҳужжатлар айланишини юритиш учун корхонада чиқариладиганички иш ҳужжатлари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини меъёрий бошқарувнинг ана шу тўрт даражали тизимини жаҳон стандартлари талаблари даражасида ташкил қилишга ҳаракат қилинмоқда.

Маълумки жаҳон амалиётига мос келадиган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунсиз миллий ҳисоб тизимини етарли даражада қайта

қуриш мумкин эмас. 1996 йил 30 августида қабул қилинган ушбу Қонун, энг аввало, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия хужжатлари ва регистрлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва баҳолашнинг асосий тамойиллари ва қоидалари, ўз ва қарзга олган капитал ҳисоби, молиявий ҳисоботлар олдига қўйилган асосий вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб беради.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматларлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларнинг амалиётга тадбиқ этилиши бухгалтерия ҳисобининг ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқариш заҳираларини бухгалтерия ҳисобида тўғри ва аниқ баҳолаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш Ўзбекистон республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасига ва «товар-моддий заҳиралар» номли 4-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига, халқаро амалиётда эса «Заҳиралар» номли 2-сонли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартига асосланган бўлиши лозим. қонуннинг ўн иккинчи «Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш» моддасида оборот активларини баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича-баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича ёки бозор баҳоси бўйича амалга оширилади деб ўтилган. Ушбу қонунга асосланиб эса стандартлар ишлаб чиқилган ҳамда миллий ва халқаро стандартларга ҳам мувофиқ материаллар энг кам баҳода, яъни таннархи бўйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши лозим. Чунки бухгалтерия ҳисобининг эҳтиёткорлик тамойилини акс эттиришнинг бири бўлиб паст баҳолаш қоидаси ҳисобланади: таннарх бўйича ёки сотишнинг соф қиймати.

Ҳар бир кейинги даврда соф сотиш қийматини янгитдан баҳолаш мумкин.

Соф сотиш қиймати бўйича заҳираларни баҳолаш (хақиқий қийматидан паст) қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1. Заҳираларни сотиш нархи арзонлашганда;
2. Заҳираларга зарар етганда;
3. Заҳиралар тўла ва қисман эскирганда.

Сотиб олинган ишлаб чиқариш заҳиралари қуйидаги элементлардан ташкил топади:

-мол етказиб берувчининг счётига кўра унга тўланиши керак бўлган сумма;

-чет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган транспорт харажатлари;

-товар биржалари кўрсатган хизматлар қиймати;

-тегишли солиқлар ва тарифлар;

-заҳираларни сотиб олиш, қабул қилиш ва омборга жойлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун қабул қилинадиган материалларни ана шу жараёнга қайси баҳода чиқариш лозимлиги ҳамиша ҳисоб ишларининг долзарб масаласи бўлиб келган. Чунки айнан бир хил материал турли даврларда турли баҳоларда кирим қилинади. Уларни ишлаб чиқаришга беришдаги баҳолар турлича бўлиши мумкинлиги туфайли, битта баҳони қўллаш ва уни ҳисобот даврида ўзгаришсиз қолишини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш 4-сон БҲМСнинг 7- “Товар моддий заҳираларини баҳолаш” бандида кўрсатилиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш заҳиралари, стандартнинг қийидаги банндларида белгиланган таннархдан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам баҳоси бўйича баҳоланади:

-Товар-моддий заҳираларининг таннархи;

-Сотиб олиш харажатлари;

-Маҳсулот (ишлар,хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари (тугалланмаган ишлаб чиқариш);

-Бошқа харажатлар;

-Хизмат соҳаси корхоналари учун товар-моддий захиралари таннари.

Ишлаб чиқариш захираларининг таннари, барча сотиб олиш харажатлари ва ишлаб чиқариш захираларини манзилига етказиб бериш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш захираларининг сотиб олиш харажатлари, сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларни, маҳсулотни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комиссия тўловларни, солиқларни (кейинчалик ҳисоблаш натижасида корхона қайтариб оладиган суммадан ташқари), шунингдек транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Савдо дисконтлари, чегирмалар ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади.

Маҳсулот (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади.

Бевосита харажатлар— битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардир, шу жумладан:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта учун ажратмалар.

Ушбу харажатлар ўзгарувчандир, чунки уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Билвосита харажатлар – ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар, нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатдир.

Бошқа харажатлар, агар улар ишлаб чиқариш заҳираларини манзилга етказиш пайтида ёки уларни тегишли ҳолатга келтириш вақтида пайдо бўлган тақдирдагина, ишлаб чиқариш заҳираларининг таннархига киради. Масалан ноишлаб чиқариш қўшимча харажатлари ёки муайян миқдорлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларини, ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича харажатларга киритиш имконияти вужудга келиши мумкин.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлари, давр харажатлари деб эътироф этилади:

- Сотиш харажатлари;
- Бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлар);
- Бошқа операцион харажатлари ва зарарлар;

Ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш қиймати миллий стандартнинг 4-ТМЗлар номли бобининг ТМЗ қийматини баҳолаш усуллари бандида қуйидаги усуллари келтириб ўтилган.

Таннархи тенг бўлмаган ТМЗлар ва махсус лойиҳалар асосида кўрсатилган хизматлар ёки товарлар учун, уларнинг таннархини алоҳида усули қўлланилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариладиган материалларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари қўллаш билан амалга ошириш мумкин:

- Ҳар бирини идентификациялаш усули
- Ўртача таннарх бўйича ёки AVECO усули;

-Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, биринчи тушум-биринчи харажат, FIFO усули;

-Ўртача чамаланган баҳолар бўйича, охириги тушум-охириги харажат, LIFO усули.

ФИФО ва ЛИФО усуллари ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш усуллари сифатида ишлаб чиқилган.

ФИФО усулида биринчи тушум-биринчи харажат дегани шуни билдирадики, ишлаб чиқаришга қайси материаллар партияси берилишидан қатъий назар, ишлаб чиқаришга биринчи сотиб олинган материаллар партияси баҳоси бўйича баҳоланади, сўнгра иккинчи партия баҳоси бўйича ва ҳоказо.

ЛИФО усулида бошқа қоида қўлланилади. Бунда охириги тушум-биринчи харажат, яъни материаллар ишлаб чиқаришга аввал охириги партия таннархи бўйича ёзилади, сўнгра аввалги ва ҳоказо.

ЛИФО усули фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни тузиш учун кўпроқ талабга жавоб беради, чунки у товарлар реализациясидан олинган даромадни уларнинг таннархи билан солиштириш имконини яхшироқ тарзда беради. Аммо амалдаги баҳонинг ошиши ёки пасайиши шароитида ишлаб чиқариш заҳиралари қийматини жорий балансда баҳолаш учун бу усулдан фойдаланиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас ва унинг Ўзбекистонда қўлланишига рухсат берилмаган.

Баланс тузишда ФИФО усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ишлаб чиқариш заҳиралари қиймати ҳисобот даврида охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона активини аниқ акс эттиради.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари, ишлаб чиқариш заҳираларининг қиймати, асосан ФИФО усулидан ёки ўртача ўлчанадиган қиймат формуласидан (AVECO) фойдаланиш орқали белгиланиши керак.

Дастлабки сотиб олинган ишлаб чиқариш заҳиралари бирлиги, биринчи сотилиши ва ўз навбатида ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш заҳираларининг қолдиқ қиймати охириги сотиб олинган заҳираларни

ташқил этиш ФИФО усули дейилади. Ўртача ўлчанган қиймат (AVECO) усули бўйича ҳар бир бирликнинг қиймати, давр бошларида ўхшаш бирликларнинг ўртача ўлчанадиган қийматидан белгиланади. Ўртача қиймат, даврий асосда ёки хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган вазиятга кўра, ҳар бир қўшимча етказиб бериш давомида ҳисобланиши мумкин.

3.2. Товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш усуллари ва уларни такомиллаштириш

«Корхона бухгалтериясида товар-моддий захираларнинг кирим-чиқимлари хусусидаги барча бирламчи ҳужжатлар: манзил белгилари, имзолар, суммалар ва амалга оширилган тадбирларнинг қонунга тўғри келиш-келмаслиги текширилади»¹³. Кирим ордерларидаги ёзувлар тегишли тўлов ҳужжатлари, счё-фактуралар, юкхатлар ва бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. Нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Бухгалтерияда текширишдан ўтказилган ҳужжатлар таксировка қилинади, яъни материал миқдори унинг нархига кўпайтирилиб, ҳужжат бўйича умумий сумма аниқланади. Кейин барча кирим-чиқим ҳужжатлари омборлар, жамлама счё-лар бўйича гуруҳларга ажратилади, бу гуруҳлар эса ҳисоб нархи бўйича кичик гуруҳларга бўлинади. Бу ҳужжатларнинг яқунлари М-43 шаклидаги материалларнинг жамлама ҳисоби жамғарув қайдномасига ёзиб қўйилади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олиш. Материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олинганида кўп ҳолларда уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ операциялар 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счё-тида ҳисобга олинади. Ушбу счё-нинг дебетиде 6010, 2310, 2010, 6990 ва бошқа счё-ларнинг кредитлари бўйича материалларнинг сотиб олиш қиймати шаклланади. Шунингдек, бу ерда

¹³ А.А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов. «Бухгалтерия ҳисоби» Т.; - «Шарқ» 2004.

материаллар билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам ифодаланади.

Бу счетнинг кредит томонида 1010-1090-счетларнинг дебети бўйича ҳақиқатда келиб тушган ва кирим қилинган материалларнинг ҳисоб қиймати акс эттирилади.

Ҳисоб нархларида қабул қилинган материаллар ва уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш қийматлари орасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» счетига ўтказилади ва ҳар ойнинг охирида 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» счетининг дебетида йиғилган сумма ишлаб чиқаришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган материалларнинг қийматига мутаносиб тақсимланиб, харажатлар счетига кўчирилади.

1510-«Материалларни таёрлаш ва харид қилиш» смети дебетидаги қолдиқ корхонага ҳали келиб тушмаган йўлдаги материаллар қийматини ифодалайди.

Материалларнинг ҳақиқий таннархи таркибига транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам киради. Буларга материалларнинг шартнома қийматидан ташқари уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар киради. Бу харажатлар материалларнинг турлари бўйича тегишли счетларда мавжуд материалларнинг умумий ҳажми бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқаради.

Бу нарса ҳисобот оyi давомида сарфланган материалларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатларини аниқлаб ҳисобдан чиқариш учун зарур.

Сарфланган материаллар қайси счетларга ўтказилган бўлса, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ҳам шу ҳисобвараларга ёзилади. Ҳақиқий таннархнинг режадан ошиш улушини топиш ва ҳисобга олиш ҳам шу тартибда бажарилади. Бу ерда фарқ шундаки, оғишиш (тежалган ёки ортиқча харажат) бўлиши мумкин. Ортиқча харажат транспорт-тайёрлов харажатларига ўхшаб, режа таннархини кўпайтиради, тежалган сумма эса уни камайтиради. Тежалган сумма минус ёки қизил сторно билан ёзилади.

Материаллар сарфланишини бухгалтерияда ҳисобга олиш
 Материалларнинг сарфланишини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг муҳим хусусиятлари мавжуд. Корхонада материаллар қуйидаги мақсадлар туфайли ҳисобдан чиқиб кетиши мумкин:

- ◆ ишлаб чиқаришга сарфланганида;
 ортиқча материаллар сотилганида ва бошқа ҳолларда.

Қуйидаги жадвалда «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб топиш мисоли келтирилган:

2-жадвал

Транспорт-тайёрлов харажатлари

Кўрсаткичлар	Материалларни баҳолаш	
	Шартнома баҳода	Ҳақиқий таннархда
Ой бошига қолдиқ	10000	15000
Ой давомидаги кирим	50000	60000
Жами тушум (1+2)	60000	75000
Транспорт-тайёрлов харажатлари: суммада	15000	75000-60000
Фоизда	25	(15000x100)/60000
Ҳисобот оyiда сарфланди	40000	45000
Ой охирига қолдиқ	20000	30000

Омбордан ишлаб чиқаришга материаллар сарфланганида қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет Ишлаб чиқариш харажатлари (2010, 2310, 2510 ва ҳоказо)

Кредит 1010-«Хом ашё ва материаллар».

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклидаги корхоналарда ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси шартнома ёки режа таннархи бўйича 10-журнал-ордер, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1-журнал-ордерга ёзилади.

Товар-моддий захиралардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор-йўқлигини текшириб кўриши лозим. Агар корхонада кераксиз ёки ортиқча материал борлиги аниқланса, уни бошқа корхонага сотиши мумкин.

Масалан, «TETRASOFT SERVIS» МЧЖда ҳақиқий қиймати 20000 сўмлик ортиқча материал борлиги аниқланди ва корхона уни 30000 минг сўмга бошқа корхонага сотди. Ушбу муомалаларга ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

◆ материалнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилди 20000 сўм:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқиб кетиши»-20000 сўм;

Кредит 1010- «Хом ашё ва материаллар»-20000 сўм.

◆ материалнинг сотиш қиймати акс эттирилди 30000 сўм:

Дебет 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми»-30000 сўм;

Кредит 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқиб кетиши»-30000 сўм.

ҚҚС ҳисобланди 4000 сўм:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқиб кетиши»-4000 сўм.

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»-4000 сўм.

◆ ортиқча материалларни сотишдан фойда олинди $(30000-20000-4000)=6000$ сўм:

Дебет 9220-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқиб кетиши»-6000 сўм;

Кредит 9320-«Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа чиқиб кетишидан олинган фойда»-6000 сўм.

Қўшилган қиймат солиғи. Хом ашё ва материаллар қабул қилган корхоналар уларнинг қийматини мол етказиб берувчиларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) билан биргаликда тўлайди. Мол етказиб берувчи корхона олинган тушумдан ҚҚСни бюджетга тўлайди.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб кўйишнинг бир шаклидир. ҚҚС 20 фоизлик ставкада ундирилади.

ҚҚС икки хил усулда ҳисобланади:

1. Қўшилган қиймат солиғи суммаси билгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = C_{\text{Тоб}} \times \text{СС}/100$$

бунда: $C_{\text{ҚҚС}}$ – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; $C_{\text{Тоб}}$ - солиққа тортиладиган оборот; СС- қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

2. Товар (иш, хизмат)лар қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{\text{ҚҚС}} = T_{\text{к}} \times \text{СС}/(\text{СС}+100)$$

бунда: $T_{\text{к}}$ - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар (иш, хизмат)лар қиймати.

Масалан: «А корхона» мол етказиб берувчилардан 200 000 сўмлик материал сотиб олди. ҚҚС суммаси қуйидагича бўлади:

1-ҳолат бўйича:

$$\text{ҚҚС суммаси} = (200\,000 \times 20\%)/100\% = 40\,000 \text{ сўм.}$$

2-ҳолат бўйича:

$$\text{ҚҚС суммаси} = (200\,000 \times 20\%)/(100\% + 20\%) = 33333,3 \text{ сўм.}$$

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича тўланадиган ҚҚСни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб бориш учун 4410-«Солиқ бўйича бўнақ тўловлар» сечетидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Материаллар ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланиши жараёнида ҳисобланган ҚҚС суммаси 4410-«Солиқ бўйича бўнақ тўловлар» сечетидан 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» сечетига сарфланган материаллар қийматига мутаносиб равишда ўтказилади.

Мисол: «TETRASOFT SERVIS» МЧЖ мол етказиб берувчидан 100000 сўмлик материал қабул қилиб олди. ҚҚС -20000 сўм. Жами 120000 сўм. Ушбу муомалага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

◆ сотиб олинган материал қийматига – 100000 сўм:

Дебет 1010-«Хом ашё ва материаллар» - 100000 сўм;

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 100000 сўм.

◆ ҳисобланган ҚҚС суммасига - 20000 сўм:

Дебет 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» - 20000 сўм;

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 20000 сўм.

◆ мол етказиб берувчиларга пул ўтказиб берилганда – 120000 сўм:

Дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» - 120000 сўм;

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 120000 сўм.


Ҳисобот оyi давомида корхонада 45000 сўмлик материал ишлаб чиқаришга сарфланди. Демак, ҚҚС 9000 сўмга тенг:

$(45000 \times 20\%) / 100\% = 9000$ сўм.

Бу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 9000 сўм;

Кредит 4410-«Солиқ бўйича бўнак тўловлар» - 9000 сўм.



6-чизма. Тушумни белгилаш усуллари.

Тайёр маҳсулот сотилишининг аналитик ва синтетик ҳисоби.

Маҳсулотнинг сотилиши корхона маблағлари айланишининг якунловчи жараёнидир. Бу жараён корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқ хўжалиги истеъмолида ўз ўрнини топганлигини англатади. «Ҳозирги пайтда корхона ишини баҳолашда маҳсулотнинг сотилиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳисобда маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган тушумни белгилашнинг икки усули мажуд:

Касса усули – бунда сотувдан олинган тушум, юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушишига қараб эътироф этиб борилади.

Юклаб жўнатиш усули – бунда маҳсулот харидорларга жўнатилиб, уларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари (счёт-фактура, транспорт юкхатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар) топширилишига қараб бу маҳсулот сотилган ҳисобланади.

Касса усули қўлланилганда маҳсулотни топшириш ва уни ҳақини тўлашга доир хўжалик операциялари бажарилгандан кейингина маҳсулот сотиш ишлари тугатилган ҳисобланади. Агар маҳсулот жўнатилиб, унинг пули харидорлардан келиб тушмаган бўлса, сотиш иши якунланган деб ҳисобланиши мумкин эмас»¹⁴.

Юклаб жўнатиш усули қўлланилганда, маҳсулот ва товар жўнатилиб, ишлар ва хизматлар бажарилганидан кейин, уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилган бўлса, ана шундай маҳсулот (иш, хизмат)лар ва товарлар сотилган ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га шартномада кўзда тутилган усулда берилган вақтдан эътиборан бу ҳужжатлар харидор (буюртмачи)га тақдим этилган ҳисобланади. Агар шартнома шартларига кўра харидор (буюртмачи) маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида

¹⁴ А.А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов. «Бухгалтерия ҳисоби» Т.; - «Шарқ» 2004.

қабул қилса, у ҳолда бундай маҳсулот харидор (буюртмачи)га топширилиб, шартномада кўзда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га ёхуд унинг вакилиги тақдим этилганидан кейин сотилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги сессиясида тасдиқланган ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда кўллаш учун тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитасининг 1998 йил 4 январдаги «Корхона ва ташкилотларни солиққа тортиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» ги хатига биноан ҳам юридик шахслар даромадларидан олинadиган солиқ ҳисоблаш усулига кўра амалга оширилади. Бунга кўра корхона ва муассасалар жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар юзасидан ушбу маҳсулот, иш ва хизматлар қийматини тўлаш вақти ҳамда пул келиб тушишидан қатъий назар, жўнатилган маҳсулот, иш ва хизматлар қийматидан давлат бюджетига солиқ ҳисоблашлари ва уни бухгалтерия ҳисобида ўша ҳисобот даврида акс эттиришлари лозим. Демак, юқорида айтилганлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги хўжалик юритиш шароитида 1998 йил 1 январдан бошлаб корхона ва муассасаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар пулнинг қачон келиб тушишидан қатъий назар, улар харидор корхоналарга жўнатилган вақтдан бошлаб реализация қилинган ҳисобланади.

«Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад» номли 2-сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги шартлар бажарилганда, товарларни сотишдан тушган даромадлари тан олинади:

- ◆ хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганида;
- ◆ хўжалик юритувчи субъект, одатда, мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини сақлаб қолмаганида;

- ◆ даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганида;
- ◆ хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлганида;
- ◆ битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганида.

Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусидаги ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорини ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чиқаради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Харидорлар томонидан тўланган пул мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мол етказиб берувчи ташкилотларнинг тайёр маҳсулоти харидорлар томонидан шу маҳсулотни тайёрловчи корхонанинг ўзида бевосита қабул қилиб олинса ёки у маҳсулот транзит усули билан (таъминот сотиш ташкилотларининг иштирокисиз) жўнатилса, маҳсулотнинг харидорга топширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва у молиявий натижаларга киритилади.

Корхонада сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (иш, хизмат) товар маҳсулоти деб номланади. Товар маҳсулоти (иш, хизмат) таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ◆ буюртмачи ва харидорларга сотилган тайёро маҳсулот (иш,

хизмат) ва корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикат;

- ◆ халқ истеъмоли товарлари, чиқиндилардан тайёрланган ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар, ярим фабрикатлар ҳамда маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмоли учун тайёрланган ноозиқ-овқат (турлари) товарлари;

- ◆ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;

- ◆ саноат хусусиятидаги ишлар ва хизматлар;

- ◆ ўз капитал қурилиши эҳтиёжларига сотиладиган маҳсулот, иш ва хизматлар;

- ◆ ўз хизматидаги ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар эҳтиёжи учун берилган маҳсулот, саноат хусусиятидаги бажарилган иш ва хизматлар;

- ◆ саноат хусусиятига эга бўлмаган ишлар ва хизматларни амалга оширилиши, қиймати харидорлар томонидан тўланган ва комплектлаш учун сотиб олинган буюмлар;

- ◆ ўз кучи билан четга бажарилган илмий-тадқиқот ишлари.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сотилган маҳсулот 9010-«Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счетларида ҳисобга олинади. 9040-«Сотилган товарларнинг қайтарилиши» ва 9050-«Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счетларида сотилган товарларнинг қайтарилиши ҳамда харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар акс эттирилади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олинаниган тайёр маҳсулотларнинг таннархидаги сарфланган хом-ашё ва материалларнинг улушини имконияти борича камайтириш муҳим ўрин тутади, чунки, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилаган баҳо (чунки, ушбу баҳоларни тартибга солиб турувчи омил – бу таннархдир) маҳсулотларнинг харидоргирлик даражасини белгилайди. Ушбу муомалалар ва талаблардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил қилаётганда табиий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ва ёндаш маҳсулотларни кенг талаб қилиши лозим.

Ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни ташкил этишда асосий эътиборни субъектга тегишли бўлган ишлаб чиқариш захиралари, шу жумладан, йўлдаги ва қайта ишлашга берилган, ишланадиган, қайта ишланадиган, ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган меҳнат буюмлари, хом-ашё ва материаллар, айланма маблағларнинг таркиби, миқдори, ҳаракати, уларни тайёрлаш, сотиб олиш, уларни баҳолаш ва қайта баҳолаш жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришнинг тартиб қоидаларини чуқур ўрганишга қаратиш талаб этилади. Ўрганиш жараёнида ишлаб чиқариш захираларининг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, сотиб олиниши ёки ишлаб чиқарилиши, баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларига эътибор бериш лозим. Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари ўзида маҳсулотнинг таннархини камайтириш имкониятларини – моддий бойликлардан унумли фойдаланиш, сарфлар меъёрини пасайтириш, ишлаб чиқариш захираларнинг талабга жавоб берадиган даражадаги сақлаш ва қўриқлаш ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши лозим. Шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олишни

такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқот якунида қуйидаги таклифлар ва тавсияларни бериб ўтишимиз мумкин:

1. Корхоналарда ишлаб чиқариш захираларни баҳолаш ва унинг ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги амалий ҳолати ҳамда унинг қай даражада ҳисоб тамойилларига мувофиқ келиши ўрганилди.

2. Корхоналарда ишлаб чиқариш захираларнинг тўғри баҳоланиши ва унинг таҳлилини ташкил этишнинг аҳамияти ҳамда бу мавзуга оид муаммоларнинг моҳияти очиқ берилди, шунингдек бу соҳага оид хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди.

3. Корхона ишчи капиталини маълум бир тартибга солиб боришда ишлаб чиқариш захираларини энг меъёрий даражада ушлаб туриши керак. Чунки ортиқча захиралар мавжудлиги корхона учун сақлаш харажатларини кўпайтиради, захираларга сарфланган пул маблағлари миқдорини кўпайтириб, маблағлар ликвидлилигини пасайтиради ва ниҳоят узоқ сақланган захиралар сифати бузилади ва ёмонлашади. Ушбу мақсадда корхона йиллик захиралар миқдорини белгилашда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

$$A=V*D+Co*(D/Q)+Cp*(Q/2)$$

4. Бошқарув ҳисоби мақсадларида молиявий ҳисоботларда кўрсатиб ўтилган моддаларни LIFO усулидан FIFOга ўтказиш кўриб ўтилди. Шу мақсадда 6-чизма таклиф сифатида ва молиявий ҳисобот моддаларини LIFO усулидан FIFO усулига ўтказиш формулалари келтириб ўтилди.

5. Корхонада моддий ресурслардан қай даражада фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш учун ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлилининг ўтказилиш кетма-кетлигини ҳар бир корхона ўзининг таҳлил ўтказиш мақсадидан келиб чиқиб белгилаши керак. Бу эса корхонага ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларини тежаш мақсадида фойдаланилмай қолган ички имкониятларни топишга имкон беради.

6. IT va MRP tizimlaridan foydalaniш хисобига корхоналар ишлаб чиқариш захираларини сақлаш билан боғлиқ ортиқча харажатлардан холис бўлишини инобатга олинди. Шунингдек амалий маълумотлар асосида корxonанинг ишлаб чиқариш захираларини ўзгарувчан харажатлар, меҳнат ҳақи харажатларини шартли ўзгарувчан ва амортизация харажатларини ўзгармас харажатлар асосида таҳлил қилиб корxonанинг зарарсизлик нуқтаси, максимал фойда олиш нуқтаси, ишлаб чиқаришнинг тўйиниш нуқтаси аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.: Ўзбекистон 1992. 61 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Тошкент 1995-1996 йиллар. I-II қисмлар. «Адолат» 245 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №14 «Адолат» 1996й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. «Солиқ ва божхона хабарлари», №36 2000 й. 3 июнь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги тахрирда) Т.:-2002 й. 287 б.
6. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори. 1995 йил 5 февраль. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 20 б. 1997 й.
7. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, № 4-5-8-11 «Солиқ тўловчининг журнали» 2001й 144 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва илмий ишлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 267 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 325 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 329 б.

4. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т. «Ўзбекистон», 1998.626 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: «Ўзбекистон» -2000. 547 б.
6. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. «Халқ сўзи». 2003. 26 февраль. № 41.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи». 2003. 17 феврал.. №41
8. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014 й.

III. Меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 2004.
2. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан (НСБУ №21) «План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и Инструкция по его применению (новая редакция)».-Т.: НАБА Уз. 2004.

IV. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

1. Абдуллаев Ё. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил.-Т.: Мехнат. 2001. 246 б.
2. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Т.: ТМИ. 2003.-275 б.
3. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.-Т.: Молия. 2003.-224 б.

4. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Учебное пособие.-Т.: изд. ТГЭУ. 2000.-168 с.
5. Безруких П.С. Бухгалтерский учет. Учебник.-М.: Бухгалтерский учет. 2000.-576 с.
6. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия. 2002.-672 б.
7. Богатая И.Н. Стратегический учет собственности предприятия: Серия 50 способов/ И.Н. Богатая. – 2001, 456 с.
8. Бухгалтерский учет: Учеб.пособие для вузов/ од.ред.проф.А.Ю.Бабаева. - 2001. 238 с.
9. Бухгалтерский финансовый учет. 2-е изд/ Н.А.Каморджанова., И.В.Карташова. - 2003. 142 с.
10. Бурцев В.В. Организация системы внутреннего контроля коммерческой организации.-М.: Экзамен. 2000.-320 с.
11. В помощь бухгалтеру и аудитору. справочно-методическое пособ./ Сост. Н.Г. Барышников. – 2001 354 с.
12. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).
13. Ваҳобов. А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.: Шарқ. 2002.-224 б.
14. Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика.-М: Финансы и статистика. 2002.-352 с.
15. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003.-1071 с.
16. Жалолова Д. Бухгалтерия хисобининг халқаро стандартлари. - Т.: ТМИ.-2004.
17. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси //Русчадан муаллифлаштирилган таржима.-Т.: 2001.-152 б.

18. Жуманиёзов К.К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари.-Т.: А.қодирий ном. «Халқ мероси» нашриёти. 2003.-159 б.
19. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби./ И.А. Завалишина. – 2003, 342 б.
20. Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет: учебник/ Ивашкевич В.Б.. – 2003, 295 с.
21. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ, 2004.- 592 б.
22. Каморджанова Н.А. Бухгалтерский учет: Вопросы, тесты, игры.- М.: 2000.-450 с.
23. Керимов В.Э. Управленческий учет.-М.: ИТК «Дашков и К⁰». 2003.-416 с.
24. Кирьянова З.В. Теория бухгалтерского учета. Учебник.-М.: Финансы и статистика. 2000.-192 с.
25. Козлова Е.П. Сборник корреспонденций счетов бухгалтерского учета по новому счетному плану./ Е.П. Козлова. - 2001
26. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях/ Н.П. Кондраков; Изд-2-е.перераб.и доп.- 2000
27. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: Учебное пособие/ Н.П. Кондраков. – 2001, 456 с.
28. Кондраков Н.П., Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. Издан. 2, переработ. и доп./ Н.П., Кондраков. - 2000
29. Кутер М.И. Теория и принципы бухгалтерского учета: Учеб.пособие/ М.И. Кутер. – 2000, 288 с.
30. Ламыкин И.А. Бухгалтерский учет. Учебник.-М.: Филин. 2000.- 520 с.
31. Макарьева В.И. Бухгалтерский учет в целях налогообложения. / В.И. Макарьева. – 2000, 482 с.

32. Малькова Т.Н. Теория и практика международного бухгалтерского учета: Учеб. пособ./ Т.Н. Малькова. - 2001, 288 с.
33. Муругова И.А. Основы организации бухгалтерского учета: Учебное пособие/ И.А. Муругова. – 2000, 482 с.
34. Неселовская Т.М. Теория бухгалтерского учета: задачи, ситуации, тесты. : Учеб. пособ./ Т.М. Неселовская. - 2002, 288 с.
35. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. (2-е изд., перераб. и доп.)-М.: ИДФБК-ПРЕСС. 2001.-672 с.
36. Палий В.Ф. Развитие методологии управленческого учета. //Ж. Бухгалтерский учет. 2004. №12.-с.52-55.
37. Пардаев М. Исроилов Б. Иқтисодий таҳлил. 1-2 қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2001.-256 б.
38. Пардаев М. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.-Самарқанд.: Зарафшон. 2001.-272 б.
39. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби.-Т.: Академия. 2002.-176 б.
40. Сафронова Н.Г., Княжевская Е.В Лабораторный практикум по бухгалтерскому учету/ Сафронова Н.Г., Княжевская Е.В.-2003. , 288 с.
41. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Бухгалтерский учет для руководителя.-М.: Проспект. 2000.-289 с.
42. Соколов Я.В. Основы аудита.-М: Бухгалтерский учет. 2000.-201 с.
43. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета.-М.: Финансы и статистика. 2000.-496 с.
44. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. I-II-том. 2002.-122 б.
45. Сборник задач по бухгалтерскому учёту. : Учеб.пособие.. - 2000, 288 с.
46. Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия хисоби.: Икки томли, 1-том. 2-том. / А.С. Сотволдиев. – 2002, 296 с.
47. Умарова М. Бухгалтерия хисоби/ М. Умарова. – 2004, 304 с.

48. Управленческий учет.-Бишкек.: USAID. 2001.-378 с.
49. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект.-М.: Финансы и статистика. 2000
50. Гуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 496 б.

V. Хорижий илмий адабиётлар

1. Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. –М.: 1992. 572 с.
2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. –М.: Экономика. 1995. 622 с.
3. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект: Перевод с англ. Под ред. Я.В.Соколова. –М.: Финансы и статистика, 2002. 496 с.
4. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. –М.: ИНФРА, 1997. 344 с.
5. Bernstein and Masky Cases. Cases in Financial statement reporting and Analysis. Second edition Boatsman, Griffin, Vickrey and Williams 1999. 756 p.
6. Bockholdt. Accounting information Systems, fourth edition, 1996. 560 p.
7. Calvin Engler, Ph.D., CPA Iona College, Leopold A. Bernstein, Ph.D., CPA Baruh College of the City University of New York. Advanced Accounting. Third edition 1995.
8. Introduction to Project Analysis. A training manual for Central Asia in English and Russian. Vol.5 – Readings in Project Analysis.
9. Ferris. Financial Accounting and Corporate Reporting: A casebook fourth edition, 1999.
10. Mishan, E.J. Cost-Benefit Analysis (3rd edition). London, UK: Allen&Unwin.
11. Mveller, Geron and Meek, Accounting: An International Perspective. Third edition 1993. 236 p.

12. Pany and Whittington. Auditing. 1999.
13. Robert N.Anthyeny, James S.Reece. Accounting Principles. Sixth edition . 195p.
14. Skousen, Landenderfer, Albrecht “Financial Accounting” College Division South-Western Publishing Co. 2001.

VI. Интернет материаллари

1. <http://www.cfin.ru/finanalizis/>
2. <http://www.analitic.ru/>
3. <http://www.buh.ru/documents.aspx/>
4. <http://www.optim.ru/fin/>
5. http://www.bizbook.ru/detail.html?book_id
6. <http://www.bookpost.ru/>
7. <http://www.audit-it.ru/>
8. <http://books/bankir.ru/>
9. <http://www.finanaliz.kiev.ua/>
10. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
11. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
12. <http://www.iaa.org.uk>
13. <http://www.iasc.org.uk>
14. <http://www.aicpa.org/index.htm>
15. <http://www.gasb.org>
16. <http://www.fasb.org> (Financial accounting standards board)
17. <http://www.standardsinstitute.org>
18. <http://www.oecd.org>
19. <http://www.smpo.com>
20. <http://www.intellectualcapitalmanagement.com>
21. <http://search.unece.org>. (Unece search results)
22. <http://www.accountingreform.ru> (Rosexpertiza)
23. <http://www.Royalty.nu>
24. <http://www.my-ikt.ru> (IKT-Consult)

25. <http://www.unic.net>
26. <http://www.II-a>.
27. <http://pages.stern.nyu.edu>
28. <http://www.montague.com>
29. <http://papers.ssrn.com> (Social Science Research Network)
30. <http://econpapers.repec.org> (ECONPAPERS)
31. <http://www.keepmedia.com> (Business Week)
32. <http://www.ipria.org>
33. <http://www.intangiblebusiness.com>
34. <http://www.cfo.com>